ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 8 АПРЕЛЬ КУНИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ, БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИККА ДОИР ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-y. 11-APREL, №15 (1160)

МИБ ҚИДИРУВДАГИ 6 ТА МАШИНАНИ ЮРТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДАН ТОПДИ. 3

БОЗОР ДИРЕКТОРИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРДАН ОЙИГА 5000 ДОЛЛАРДАН «НАСИБА» ОЛАЁТГАН ЭКАН. 8

«ТОЗА ҲУДУД» ДУКДА НАЗОРАТЧИ БЎЛИБ ИШЛОВЧИ КИМСА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ. 9

ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ 55 МЛН. СЎМДАН ЗИЁД ЗАРАР КЕЛТИРДИ. 10

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни жойида бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Эркин Юлдашев Наманган вилоятида сайёр қабул ўтказди. Сайёр қабул давомида 133 нафар фуқаро қабул қилинди. Уларнинг 112 нафари ариза билан мурожаат этди. Келиб тушган мурожаатларнинг 46 таси жойида ҳал этилган бўлса, қолган 66 таси алоҳида назоратга олинди.

2-бетда

БОЛА ОТА ҚАРАМОҒИГА ОЛИБ БЕРИЛДИ

Кўп ҳолларда оиланинг дарз кетишига эркак сабабчидек кўринади. Аммо турмушидан ажрашгач, фарзандларини ота-онасига ташлаб, чет давлатга ишлаш учун кетган онани болаларининг тақдири қизиқтирмайди.

4-бетда

ТАШАББУС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Туман марказидан олисдаги маҳалла аҳлига қулайлик яратиш ниятида сектор раҳбарига мурожаат қилган шифокор-тадбиркор ташаббуси қўллаб-қувватланиб, шифохона қурилиши учун ер майдони ва 500 миллион сўм кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Ишга тушурилган клиникада қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

4-бетда

МАКТАБ ДИРЕКТОРИНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ДАВОМИДА БЎШАЁТГАН КОЛЛЕЖ БИНОСИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАТИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС МАКТАБ ОЧИШДА АМАЛИЙ ЁРДАМ СЎРАГАН КОЛЛЕЖ ДИРЕКТОРИ, ИШОНЧНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛДИ.

3-бетда

КАНАЛЛАРГА ОҚИЗИЛАЁТГАН КАНАЛИЗАЦИЯ



Республикамизда машҳур бўлган «INTERSOK» МЧЖ ишлаб чиқаришдан чиқаётган маиший оқова сувларнинг бир қисмини зарарсизлантирмасдан, Чирчиқ дарёсига йўналтириб қўйган.

6-бетда

МИНГДАН ОРТИҚ ФУҚАРО БОШ ПРОКУРОР ҚАБУЛИДА БЎЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни жойида бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида жорий йилнинг 2-3 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси раҳбарияти Бухоро вилоятида сайёр қабул ўтказди.

2019 йил 2 апрель куни Жондор тумани мусиқа ва санъат мактаби биносида ўтказилган сайёр қабулнинг илк кунида 312 нафар фуқаролар учрашувда иштирок этди, улардан жами 245 та ариза қабул қилинди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 37 таси жойида ҳал этилди. Хусусан, 14 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 13 нафар фуқарога даволаниш учун йўлланма берилди, 2 нафар фуқаронинг уй-жой масаласига оид аризаси қаноатлантирилди, 1 нафар фуқарога ер ажратилди, 3 нафар тадбиркорга жами 400 миллион сўмлик кредит ажратилди, 1 нафар тадбиркорнинг фаолиятидаги муаммоси ижобий ҳал этилди. Қолган 208 та мурожаатлар алоҳида назоратга олинди.

Қабул қилинган мурожаатларнинг 64 таси суд қарорлари бўйича (маъмурий — 7 та, иқтисодий — 3, фуқаролик — 19, жиноят — 35), 23 таси суриштирув ва тергов масалалари юзасидан, 146 та ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича келиб тушди.

Келиб тушган мурожаатларнинг 41 таси жойида ҳал этилди. Хусусан, 12 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 7 нафар фуқарога даволаниш учун йўлланма берилди, 1 нафар фуқаронинг уй-жой масаласига оид аризаси қаноатлантирилди, 8 нафар тадбиркорга жами 670 миллион сўмлик кредит ажратилди, 5 нафар фуқарога моддий ёрдам ва нафақа тайинланди. Қолган 409 та мурожаат алоҳида назоратга олинди.

Қабул жараёнида тадбиркорларга 1 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши таъминланди.

3 апрель куни Когон шаҳар ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган сайёр қабулнинг иккинчи кунида 697 нафар фуқаро учрашувда иштирок этди, улардан жами 450 та ариза қабул қилинди.

Қабул қилинган мурожаатларнинг 122 таси суд қарорлари бўйича (маъмурий — 7 та, иқтисодий — 11, фуқаролик — 24, жиноят ишлари — 80), 63 таси суриштирув ва тергов масалалари юзасидан, 244 та ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича келиб тушди.

Бухоро вилоятида ўтказилган икки кунлик сайёр қабул давомида жами 1009 нафар фуқаро қабул қилинди, улардан 695 нафари ариза билан мурожаат қилди. Келиб тушган мурожаатларнинг 78 таси жойида ҳал этилди, қолган 617 та мурожаат алоҳида назоратга олинди.

Бош прокуратуранинг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

Аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Эркин Юлдашев Наманган вилоятида сайёр қабул ўтказди.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ!

Муроджон ХОЛМАТОВ,
Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Қабулнинг биринчи куни Чортоқ туманидаги мусиқа ва санъат мактаби биносида бўлиб ўтди. Унда 100 нафардан зиёд фуқаролар иштирок этди. Шу куни Э.Юлдашев 39 нафар фуқарони қабул қилди. Мурожаатчиларнинг 18 нафаридан ариза қабул қилинган бўлса, 3 нафарига оғзаки тушунтиришлар берилди ҳамда 14 таси жойида ҳал этилди.

Хусусан, 8 нафар аёлларнинг фарзанди таъминоти учун ўз вақтида ундирилмаган 4 миллиондан ортиқ алимент пуллари ундирилди, 2 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. 1 нафар фуқарога даволаниш учун йўлланма, 3 нафар ногиронларга протез-ортопедия маҳсулотлари берилди. Қолган 18 та мурожаат алоҳида назоратга олинди.

Қабулнинг иккинчи кунида Э.Юлдашев Косонсой тумани фуқаролари билан учрашди. Сайёр қабулда 32 нафар фуқаро иштирок этиб, келиб тушган мурожаатлар бўйича 10 нафаридан ариза қабул қилинди. 3 нафарига тушунтиришлар берилди ва 19 таси жойида ҳал этилди.

Хусусан, 17 нафар фуқаронинг 7 миллион сўмдан ортиқ алимент пуллари ундирилди. Электр ва табиий газ тармоғидан узилган 2 та хонадон тармоққа қайта уланди. Шунингдек, 10 та мурожаат алоҳида назоратга олинди.

Наманган шаҳар "Халқ қабулхонаси"да ўтган учинчи кунги сайёр қабулда 200 дан зиёд фуқаролар иштирок этди. Қабул қилинган 41 нафар фуқаро томонидан 47 дан ортиқ масала қўйилди. Уларнинг 12 нафарига ҳуқуқий тушунтириш берилди. Мурожаатдаги 2 та масала жойида ҳал этилди. Хусусан, 1 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 1 нафарига "Артель" кондиционери олиб берилди. Қолган 27 та мурожаатлар алоҳида назоратга олинди.

Тўрақўрғон туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда эса 21 нафар фуқаро қабул қилиниб, 11 та мурожаат бўйича ариза олинди. 2 таси юзасидан тушунтириш берилиб, 9 таси жойида ҳал этилди. Аҳамиятли жиҳати, шу куни 1 та оила яраштирилди, 6 нафар фуқарога 4 миллион сўмдан ортиқ алимент пуллари ундириб берилди, 1 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 11 та мурожаат алоҳида назоратга олинди.

Умуман олганда, Бош прокурор ўринбосари Э.Юлдашев томонидан Наманган вилоятида ўтказилган сайёр қабул давомида жами 133 нафар фуқаро қабул қилинди. Уларнинг 112 нафари ариза билан мурожаат этди. Келиб тушган мурожаатларнинг 46 таси жойида ҳал этилган бўлса, қолган 66 таси алоҳида назоратга олинди. Масалан, фуқаро Иброҳим Эйдемир акаси Мерт Юсуф Эйдемир уриб, тан жароҳати етказгани, унга қонуний чора кўриб беришни сўраб мурожаат этди. Ўрганишларда маълум бўлишича, ушбу ҳолат юзасидан Наманган шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилган. М.Эйдемирнинг қилмишида жиноят аломатлари аниқланмагани сабабли охирги маробата жорий йилнинг 22 февраль куни ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Мазкур қарор текширилиши лозим ҳолатлар тўлиқ ўрганилмай, барвақт қабул қилингани сабабли Наманган шаҳар прокуратураси томонидан 1 апрель куни бекор қилиниб, қўшимча терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш учун тергов бўлимига юборилди.

Текширув якунларига кўра, Наманган шаҳар ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан Иброҳим Эйдемир тан жароҳати олганлиги ҳолати аниқланиб, 1 апрель куни Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан М.Эйдемирга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, фуқаро Н.Умарованинг мурожаати ҳам ўрганилди. Унга қарздор Б.Ғаниевдан жорий йилнинг 1 апрель куни 5 миллион сўм пул маблағи тўлиқ ундириб берилди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ — АДОЛАТ ИШОНЧИ КАФОЛАТИ

Анваржон НАЗАРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан прокуратура органларининг раҳбарлари жойларда сайёр қабуллар ташкил қилиб, фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид мурожаатларини ўрганишяпти ва қонуний ҳал этишяпти.

Вилоят прокурори С.Турдиев томонидан 2-сектордаги шаҳар ва туманларда ташкил этилган, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган оммавий сайёр қабулларда фуқароларнинг ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, моддий ёрдам, йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда коммунал масалаларга оид мурожаатларининг аксарияти жойида ечимини топмоқда.

Хусусан, Бувайда туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда Янгиқўрғон, Оқтом, Шўртепа, Бандикушод, Арикбўйи, Анҳор, Беглар, Урганжи қишлоқларида яшовчи фуқаролар — А.Ризаев тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, И.Аҳмедов даволаниш ва ногиронлик белгилаш, Э.Раҳматуллаев хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш, Р.Усмонова фуқаролик суди қароридан норози экани, У.Сотволдиев ногиронлик аравачаси билан таъминлаш, О.Тожибоева ишга жойлаштириш, Ш.Мадиева маҳалла кўпригини таъмирлаш, Ш.Аҳмедов мактаб ўқувчилари учун катта йўлдан ўтиш йўлакчасини ташкил этишда ёрдам сўраб мурожаат этишди. Жами 105 нафар фуқаронинг юқоридаги ва бошқа мурожаатлари муайян қисми шу жойнинг ўзида ҳал этилди, вақт талаб этиладигани бўйича тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди.

— Бир неча ой мобайнида турли ташкилотларга мурожаат қилдим, лекин ишга жойлаша олмадим, — дейди Чўл қишлоғида яшовчи Ф.Мамаризаева. — Сайёр қабулда мурожаатим қаноатлантирилиб, тумандаги 14-мактабга ишга қабул қилиндим.

— Зах сувлар кўтарилиб, дарахтлар қуримоқда, деворлар нурамоқда, тегишли идораларга мурожаатим ижобий ҳал этилмаяпти, — дейди Янгиҳаёт қишлоғида яшовчи К.Юлдашев. Унинг мурожаати тегишли идоралар вакиллари иштирокида ўрганилиб, чора-тадбирлар белгиланди.

Учкўприк туманида ташкил этилган оммавий сайёр қабулга 120 нафар фуқаро ташриф буюрди. Хусусан, Шеробод, Меҳнатроҳат, Урганжи, Ҳасанқора, Қатағон, Шўх, Жалоер қишлоқларида истиқомат қилувчи фуқаролар Ф.Каримова ишга жойлаштириш, А.Имомова томорқасини мевали дарахт кўчатлари билан таъминлаш, М.Келдиев уй-жой билан таъминлаш, М.Маҳмудова суд ҳукмидан норозилиги, Б.Раҳмонов бузилган биноси учун компенсация тўловини тўлаб бериш, З.Ортиқов ичимлик сув тармоғи тортиш, З.Охунова кредит ажратилишида ёрдам сўраб мурожаат этишди.

— Тикувчилик цехимни кенгайтириш мақсадида қўшимча ускуна сотиб олиш учун тегишли ҳужжатларни банкка тақдим этсам-да, менга кредит ажратилмаяпти, — дея мурожаат қилди М.Мамажонова. — Оммавий ахборот воситалари орқали сайёр қабул ташкил этилишидан хабар топиб, шу муаммога ечим топишларини сўраб келдим.

Тадбиркорнинг мурожаати тегишли идоралар вакиллари иштирокида ўрганилиб, масала ижобий ҳал этилди.

— 1-гуруҳ ногирони бўлган турмуш ўртоғимга ногиронлик аравачаси сўраб тегишли идораларга мурожаатим ҳал этилмаётган эди, — дейди Жалоер қишлоғида яшовчи фуқаро Р.Салимова. — Сайёр қабул давомида ногиронлик аравачаси берилди.

Шунингдек, Данғара туманида ўтказилган сайёр қабул давомида мурожаатларнинг 61 таси қаноатлантирилди, 5 таси бўйича тушунтириш берилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан Қўқон шаҳридаги сайёр қабулдаги мурожаатларда баён этилган 63 та масала ўрганилиб, ҳал этиш борасида иш олиб бориляпти.

Жорий йилнинг 5 апрель куни "Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори қабул қилинди.

2018 йилнинг 13 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташриф буюрган эди. Халқ депутатлари ва вилоят фаоллари билан бўлган учрашувда туманлардан халқ вакиллари сўз олиб, туман иқтисодий-ижтимоий ривожи учун энг зарур бўлган масалалар ҳал қилинишида амалий ёрдам сўраганди.

JARAYON

МАКТАБ ДИРЕКТОРИНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Нодир АШУРБАЕВ,
Департаментнинг Бувайда туман бўлими бошлиғи

Видеоселектор тарзида ўтган йиғилишда Бувайда туманидан вакил сифатида ўша пайтда Бувайда педагогика коллежи директори бўлиб ишлаётган, Р.Қ. сўз олиб, туман, ҳатто вилоят ўқувчилари учун бўшаб қолаётган педагогика коллежи биносида чет тилларини мукаммал ўргатишга ихтисослаштирилган махсус мактаб очишда амалий ёрдам сўраганди.

Фарғона вилоят ҳокимининг 2018 йил 18 июлдаги 357-сонли қарори асосида иш бошлаган мактабга икки ой давомида 1 та 2-синф, 1 та 3-синф, 1 та 4-синф, 2 та 5-синф учун жами 150 нафар ўқувчи имтиҳон асосида қабул қилиниши ҳақида эълон берилди.

2018-2019 ўқув йили учун қабул бошланди. Р.Қ. филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори вазифасида ишлай бошлади.

Барча ўқувчилар ўз ақли, билимига яраша балл тўплади. Жойлар сони чегаралангани учун энг яхши натижа кўрсатган 150 нафар ўқувчи танлаб олинди.

2018 йилнинг сентябрь ойида директорнинг ҳузурига имтиҳондан ўта олмаган ўқувчиларнинг ота-оналари илтимос билан кела бошладилар. Р.Қ. яна битта қўшимча синф очиш учун Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи номига ота-оналардан ёзма ариза олди.

Директор бу орада талабгорларга қўшимча синф очилиши учун харажатлар борлигини айтади. Қизини шу ерда ўқитишни истаган С.Сулаймонов барча ота-оналардан 100 АҚШ долларидан йиға бошлайди.

С.Сулаймонов 2018 йилнинг 13 сентябрида директорнинг ёнига келиб, А.Ҳамдамов ҳам Ҳасан-Ҳусан исмли эгизак фарзандларини шу ерда ўқитишни истаётганини айтади ҳамда А.Ҳамдамов томонидан бериб юборилган 100 АҚШ долларини унга беради.

Директор опанинг суддаги баҳонаси асоссиз бўлиб чиқди.

Худди шу пайтда Департаментнинг туман бўлими ва ДХХ ходимлари кириб, ундан 100 АҚШ долларини ашёвий далил тариқасида олишади. Р.Қ.нинг сумкаси холислар иштирокида текширилганда 404 АҚШ доллари ҳам чиқади.

Р.Қ. судда "сумкамдаги пул чет эл фирмасининг дори-дармонларини сотиб, топган пулим", деб кўрсатма берди.

Жабрланувчи А.Ҳамдамов ўғиллари келажаги учун ҳар нарсага тайёрлигини, аммо оилавий аҳволи туфайли ҳар бир ўғлига 100 АҚШ долларидан бера олмаслигини айтиб, директорга 100 АҚШ доллари бериб юборганлигини, шунингдек, унга Р.Қ.нинг ўзи қўнғироқ қилиб, агар фарзандини ўқитиш истаги бўлса С.Сулаймоновга учраб қўйишини айтганлигини билдирди.

Судда яна бир жабрланувчи Э.Тўлашев ҳам қизини шу мактабда ўқитмоқчи бўлганлигини, С.Сулаймонов келиб ундан қўшимча синф очиш учун озгина харажат қилишлари кераклигини айтиб, 100 АҚШ доллари олганлигини маълум қилди.

Фарзандини шу мактабда ўқитмоқчи бўлган Р.Эргашев ҳам айни юқоридаги гапларни такрорлади. У С.Сулаймоновга 795 минг сўм берганлигини таъкидлади.

Бувайда тумани жиноят ишлари бўйича судда У.Меҳмоналиев раислигида кўрилган бу ишда судланувчи Р.Қ. ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "в" банди ва 28,211-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди. Унга ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

NAZORAT

ҚУРУВЧИЛАР "ЕР ЧИЗИШДИ"

Абдурашид ТОШЕВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Аҳолининг, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга оид ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг уй-жойлар билан таъминланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

2018 йилда вилоятнинг 14 та туманидаги 63 та массивда 2 349 та намунавий уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда 2 201 та уй-жойларда қурилиш ишлари тугатилган ва давлат қабул қайъати томонидан қабул қилиб олинган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада олиб борилган назорат тадбирларида бир қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Хусусан, бош пудратчи "216-сон Таъмирлаш қурилиш бўлими" МЧЖ билан буюртмачи "Қишлоқ қурилишинвест" МЧЖ ИК Самарқанд филиали ўртасида тумандаги Хўжа Исмоил массивида қиймати 1 миллиард 219,3 миллион сўмлик, 4 сотих ерда 2 қаватли, 4 хонали уй-жой қуриш борасида шартнома тузилган ва буюртмачи томонидан бажарувчининг ҳисоб рақамига келишилган шартлар асосида пул маблағлари кўчириб берилган. Аммо жамият ва "Қишлоқ қурилишинвест" МЧЖ ИК Самарқанд филиали мансабдор шахслари мансаб мавқеиларини суиистеъмол қилган ҳолда 5 та ҳолатда 8,2 миллион сўмлик қурилиш ишларини сифатсиз бажаришган. 10 та ҳолатда 9,2 миллион сўмлик қурилиш ишлари ҳақиқатда бажарилмаган бўлса-да, расмий ҳужжат ҳисобланган ҳисоб-фактурани қалбакилаштиришиб, 17,7 миллион сўмлик маблағни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишганлиги аниқланиб, жиноят иши қўзғатилган.

Қурувчи ва буюртмачининг нафси фуқаролар манфаатига зарар етказди.

Бундан ташқари, Иштихон туман прокуратураси томонидан маҳалла ҳудудида қурилган 29 та профилактика инспекторларининг хизмат уйларида бажарилган қурилиш ишлари ўрганилди. Пудратчи "Дамхўжа сув Таъмир" МЧЖ томонидан "Орлот" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган уй-жойда 1,1 миллион сўмлик, "Деневр ПЛС" МЧЖ томонидан "Бешбола" ва "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинларида профилактика инспекторлари учун қурилган уй-жойда 190 минг сўмлик, "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган уй-жойда 73,2 минг сўмлик, "Сардор бино" МЧЖ томонидан "Минглар" маҳалла фуқаролар йиғинида қурилган уй-жойда 108 минг сўмлик қурилиш ишлари кам бажарилганлиги аниқланди. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида МЧЖ "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Самарқанд вилоят филиали директори номига тақдимнома киритилди.

FAOLIYAT

ҚИДИРУВДАГИ АВТОМАШИНАЛАР

Хуршид ОЧИЛОВ,
МИБ Сергели туман бўлими бошлиғи

Бюронинг Сергели туман бўлими иш юритувида бўлган Тошкент вилоят иқтисодий судининг 2018 йил 17 майдаги ижро варақасига асосан қарздор "Равон такси" МЧЖдан "Турон банк" Миробод филиали фойдасига жами 338 миллион 875 минг 792 сўм ундириш билан боғлиқ ижро иши юзасидан ундирувни гаровга қўйилган автотранспорт воситаларига қаратиш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд эди. 2018 йил 12 ноябрь куни давлат ижрочиси томонидан жамиятга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига қидирув эълон қилинди.

Олиб борилган тезкор-қидирув ҳаракатлари давомида "Равон такси" МЧЖга тегишли бўлган 2 та "Нексия" русумли автотранспорт воситаси Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида эканлиги аниқланиб, 2018 йил декабрь ойида Бюронинг Сергели туман бўлимига топширилди. Шунингдек, яна битта автомашина Қашқадарё вилояти Китоб туманидан, бошқаси Самарқанд шаҳридан топилди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2018 йил 18 июндаги ижро варақасига асосан қарздор "Avto Texmash Jasur" МЧЖдан "Турон банк" Миробод филиали фойдасига жами 1 миллиард 54 миллион 723 минг 515 сўм ундирилиши белгиланганди. Ундирувни гаровга қўйилган автотранспорт воситаларига қаратиш тўғрисидаги ижро ҳужжатига мувофиқ, давлат ижрочиси томонидан қарздор МЧЖга тегишли бўлган автотранспорт воситаларига қидирув эълон қилинди. Қидирув бесамар кетмади. Жамиятга тегишли бўлган "Кобальт" русумли автотранспорт воситаси Фарғона вилоятида, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси эса Андижон вилоятида эканлиги аниқланиб, 2019 йил март ойида Бюронинг Сергели туман бўлимига топширилди.

TADBIR

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ
ҳарбий интизомнинг мустаҳкам кафолати

Гулчеҳрахон ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Республика ҳарбий суди ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда жорий йил 4 апрель куни "Ҳуқуқбузарлик профилактикаси куни" муносабати билан Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисмда тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўз маърузаларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилаётгани, бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги тахдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлиб, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, хусусиятлари ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда соҳани такомиллаштириш мақсадида кейинги икки йилда мамлакатимизда 100 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганини таъкидлашди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар учун сайёр қабул ташкил этилиб, тадбир сўнггида ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Шу куннинг ўзида ҳарбий қисмда ҳарбий хизматчилар учун Ватанимиз мустақиллигининг ҳимояси йўлида жон фидо этган ҳарбий хизматчилар хотирасига бағишланган "Ватан — азиз, жасорат — мангу" номли китоб тақдимоти ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий билимини, маданиятини ҳамда дунёқарашини ошириш мақсадида қисмда "Ҳуқуқий билимлар — келажагимиз таянчи" шиори остида китоблар ярмаркаси ўтказилди.

Бундан ташқари, шу куни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Сирдарё вилояти ва Сирдарё туман ҳокимликлари ҳамда Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан Мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳамкорлигида "Тадбиркорлик давлат равнақи ва миллат бойлигининг асоси" шиори остида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида тадбир ҳам ўтказилди.

Тадбирда вилоят ҳудудида жойлашган Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан Мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмда хизмат қилиб келаётган 2 нафар шартнома бўйича ҳарбий хизмат оддий аскарнинг турмуш ўртоқларига "Халқ банки" томонидан ажратилган имтиёзли кредит сертификати ҳамда ҳарбий қисм ҳудудидан ажратилган ер майдонига иссиқхона қуриш учун йигирма миллион сўм кредит пули топширилди.

Президентнинг тегишли ҳужжати билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Ижтимоий тармоқ орқали тарқатилган фуқаро Маҳмуд Маткаримовнинг турмуш ўртоғи 3 йил АҚШда бўлиб қайтганидан сўнг, фарзандини қайтариб олгани, суд қарори ижросини таъминлаш жараёни акс этган видеолавҳа кўпгина муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Шундан сўнг она томонидан фарзанди у билан бахтиёр эканлигини ифодаловчи фото ва видеолавҳа ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди.

Шунингдек, ота "Тошкент" телеканалига мурожаат қилган бўлиб, мазкур ҳолат "Очиқ мулоқот" дастурида ҳам муҳокама қилинди.

Қуйидаги мақолада фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судида шу ҳолатга ўхшаш вазият тафсилотлари билан танишишингиз мумкин.

БОЛА ОТА ҚАРАМОҒИГА ОЛИБ БЕРИЛДИ

Ҳамза УМАРОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Муқаддас китобларда оила қуриш ва уни асраш масалаларига катта эътибор қаратилган. Ота-боболаримиз оила шаъни, ор-номуси учун курашишни, шунингдек, унинг обрў-эътиборини кўтаришни ўзи учун шараф деб билишган.

Оила билан боғлиқ шундай муқаддас туйғулар борки, улар ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Шу туйғулар сабаб келажакка умид билан боқамиз, шу туйғулар сабаб орзуларимиз рўёбини фарзандларимиз тимсолида кўришни истаймиз. Аммо ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис кечмайди. Унинг зарбаларига дош беролмай, ажрашишни "дард"нинг ариши, деб биладиганлар, афсуски, орамизда йўқ эмас.

Сардор Қурбонов ва Соҳиба Қаршиева (исм-фамилияси ўзгартирилган) 2008 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, бир ёстиққа бош қўйишди. 2009 йилда ўғил, 2013 йилда эса қиз фарзандли бўлишди. Рўзғордаги арзимас икир-чикирлар, эр-хотин ўртасида тортишувларни, келишмовчиликларни келтириб чиқара бошлади. Оиладаги катталар эса бунга бепарво қараб, томошабин бўлиб туришди. Хуллас, уларнинг оила риштаси ҳаёт синовларига дош беролмади ва улар 2016 йилнинг май ойида қонуний ажрашишди.

Табиийки, суднинг қарори билан икки вояга етмаган фарзанд ҳам онаси қарамоғида қолдирилиб, С.Қурбонов болаларининг моддий таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бири миқдорида алимент тўлайдиган бўлди.

Болаларини ўзи билан олиб қолган она эса уларни бобоси ва момосининг қарамоғида қолдириб, ўзи ишлаш учун Россия Федерациясига кетди. Бундан хабар топган С.Қурбонов вояга етмаган фарзандлари қаровсиз қолгани, ота сифатида ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга эканини баён қилиб, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига ариза билан мурожаат қилди. Қарши туманидаги "Наврўз" МФЙ томонидан берилган маълумотномадан кўринишича, жавобгар С.Қаршиева ишлаш учун Россия Федерациясига кетган.

Қарши тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги "Васийлик ва ҳомийлик" кенгаши вакили С.Исматов суд мажлисида суд сўровига асосан тарафларнинг оилавий шароитини ўрганганини, С.Қурбоновнинг икки нафар фарзандли бобо-момолари (онасининг ота-онаси) қарамоғида яшаётганини, даъвогарнинг уйида болаларни тарбиялашга салбий таъсир кўрсатадиган ҳолат аниқланмаганини баён қилди.

Суд даъвогарнинг болаларини ўз қарамоғига олиш ҳақидаги аризасини муҳокама қилиб, уни қаноатлантиришни лозим топди.

Аслида болалар ўз ота-онаси бағрида ўсиб, уларнинг меҳрини ҳис этса, тинч-тотув ҳаёт оғушида яшаса, шундагина бахтли бўлади. Кўп ҳолларда оиланинг дарз кетишига эркак сабабчидек кўринади. Аммо рўзғорнинг бутлиги ва тотув ҳаёт кафолати қайсидир маънода кўпроқ аёлларга боғлиқ. Нега С.Қаршиева болаларининг тақдирини, улар тирик етим бўлиб қолаётганини ўйламади? Зеро, фарзанд туғилиши оддий воқеа эмас.

Ташаббус қўллаб-қувватланди

Нодирбек МИРЗАРАҲИМОВ,
Қува туман прокурорининг ўринбосари

Тумандаги тўртала сектор раҳбарлари ва ишчи гуруҳлари томонидан хонадонма-хонадон юриб ўрганилган муаммолар жойида ҳал қилиниши асосий вазифага айланди. Шунинг билан бирга, муайян вақт талаб қиладиган муаммолар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг "Йўл харитаси"га киритилмоқда.

Хусусан, 2-сектордаги "Туркравот" МФЙда бошқа маҳаллаларга нисбатан аҳоли сони қарийб икки баробар кўп. Туман марказидан олисдаги маҳалланинг аҳолисига қулайлик яратиш учун хусусий клиника қуриш ҳақида шифокор-тадбиркор Д.Мусулмонқуловнинг ташаббуси қўллаб-қувватланди. Шифохона қурилишига ер майдони, 500 миллион сўм кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. Ишга туширилган клиникада қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

> *Амалий ёрдам натижасида фуқаро 70 сотих майдонда иссиқхона барпо қилиб, 15 та янги иш ўрни яратди.*

Айни чоғда сектор ҳудудидаги 3 та қишлоқ оилавий поликлиникалари таъмирталаб. "Оққўрғон" МФЙдаги поликлиника "Обод қишлоқ" дастури доирасида таъмирланмоқда. "Катта Деҳқонобод" ва "Туркравот" қишлоқ поликлиникалари эса "Йўл харитаси"га киритилиб, таъмирлаш режалаштирилди. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги бирламчи тиббий кўрикда ҳомиладор аёлларнинг 7 нафари соғломлаштиришга муҳтожлиги аниқланган. Уларга даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Уйма-уй юриш мобайнида даволанишга муҳтож аёлларга туман "Она ва бола" реабилитация марказига йўлланмалар берилиб, соғломлаштирилди. 17 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммолари ҳал қилинди. Ҳар бир ногиронга тиббий ходим бириктирилди.

Секторда 6 ойга мўлжалланган уйма-уй юриш жадвали тайёрланди. Жорий йил бошида 3 200 дан зиёд хонадонга кириб борилиб, муаммолари ўрганилди. Аниқланган муаммоларнинг 85 таси жойида ҳал этилди, 102 таси туман, 14 таси эса вилоят ва республика даражасида ҳал этиладиган масала бўлганлиги сабабли йўл хариталарига киритилди.

Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзоларининг 23 нафари ишга жойлаштирилди, 51 нафарининг томорқасидан фойдаланиши йўлга қўйилди, 4 нафари тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан "Туркравот" МФЙда яшовчи фуқаро Н.Абдуразоқов 300 миллион сўм кредит олиб, 70 сотих майдонда иссиқхона барпо қилди.

Шунингдек, ҳудудда таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб ёшигача болаларнинг ҳозирча 24,4 фоизи 10 та мактабгача таълим муассасаларига қатнаяпти. Уларнинг 6 таси таъмирталаб бўлиб, 11-сонли ва 24-сонли МТМлар жорий йил инвестиция дастури доирасида капитал таъмирланади. Шунингдек, 18-сонли МТМни "Обод қишлоқ" дастури доирасида, 15 ҳамда 28-сонли МТМларни маҳаллий бюджет ҳисобидан жорий таъмирлаш режалаштирилган. Бундан ташқари, яқин орада 10 та оилавий боғчалар фаолияти йўлга қўйилади ва 240 нафар тарбияланувчи таълим муассасасига қамраб олинади.

Умумтаълим мактабларида 1098 нафар ўқувчи таълим олмоқда. 21 нафар ногирон бола эса уйларида ўқитилмоқда. "Оққўрғон" ва "Тожиккишлоқ" МФЙдаги 28-сонли ҳамда 22-сонли умумтаълим мактабларини таъмирлаш "Обод қишлоқ" дастурига киритилди.

Аҳолининг маиший муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриляпти. 2-сектордаги хонадонларнинг 80 фоизи ичимлик сув билан таъминланган. "Янгиқишлоқ" МФЙда 700 метр қувур ётқизилиб, хонадонларнинг 115 таси ичимлик сув тармоғига уланди. Яна 62 та хонадонда сув муаммоси аниқланган. Кўрилган чоралар натижасида 40 та хонадоннинг муаммоси ҳал этилди. 42 та хонадоннинг сув муаммосини ҳал этиш масаласи туман ва вилоят "Йўл харитаси"га киритилди.

Бундан ташқари, 2-сектордаги хонадонларда электр энергияси таъминоти билан боғлиқ 36 та муаммонинг 11 таси ҳал қилинди. Хусусан, трансформатор таъмирланиб, "Пастки Хўжа Хасан" МФЙнинг 150 та хонадони энергия билан узлуксиз таъминланди. Трансформаторлар таъмирланиши натижасида "Туркравот", "Сойгузар", "Қорашох", "Новкент" ва "Тожиккишлоқ" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 540 та хонадоннинг электр таъминоти борасидаги муаммолари бартараф этилди. Аниқланган муаммоларнинг 25 тасини ҳал этиш учун туман ва вилоят "Йўл харитаси"га киритилди.

> *Сектор ҳудудидаги 3 та қишлоқ оилавий поликлиникаси таъмирталаб аҳволда.*

Секторлардаги хонадонларнинг 90 фоизи суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланади. "Пастки Хўжа Ҳасан" ва "Оққўрғон" МФЙда яшовчи кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хонадонларига суюлтирилган газ баллонлари етказиб берилмоқда. 6,4 километр ички йўллар таъмирланди. Шунингдек, "Катта қишлоқ", "Пандигон" ва "Юқори Қўрғонча" МФЙдаги 4 километр ички йўллар шағал билан теккисланди.

Хонадонларга кириб борилиб, муаммоларини ўрганиш жараёнида аҳолига томорқа ерларидан унумли фойдаланишга оид қонунчилик талаблари тушунтириляпти. Бу борада фуқароларимиз иш бошлаши учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида шаҳарнинг марказий «Тошкент йўли» кўчаси концепциясининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деган нақл бор. Айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида бу ақиданинг аҳамияти беқиёс. Нега деганда, соҳада кўзланган самарадорликка техника воситаларисиз эришиб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз. Чунки, ерни уруғ қадашга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни хирмонга етказишгача бўлган барча жараёнларда қишлоқ хўжалиги техникалари кўмагига таянамиз, улар бизнинг дастёримизга айланади.

ТРАКТОРСИЗ ФЕРМЕР – ҚУРОЛСИЗ ОВЧИ МИСОЛИ

Сўнгги йилларда республикамизнинг аграр секторини халқаро стандартларга мувофиқ ҳамда мамлакат ҳудудларининг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига жавоб берадиган замонавий маҳаллий ва хорижий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш бўйича фаол чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, бирингина 2018 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига, биринчи навбатда, фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар ва кластерларга 33,7 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичлар билан таққослаганда 1,5 бараварга кўп дегани.

Бироқ амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаларининг 25 фоизидан ортиғи 15 йилдан ортиқ муддат мобайнида эксплуатация қилинмоқда. Бундан кўринадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини янги, сифатли ва арзон техникалар билан таъминлаш зарурати пайдо бўлган.

Шу боис қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш, шунингдек, ушбу жараёнга тижорат банкларининг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида жорий йилнинг 4 апрель куни Давлат раҳбарининг "Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг техникалар харид қилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тартиби жорий этилмоқда. Унга кўра, маҳаллий ғалла ўриш ва пахта териш техникаларини етказиб беришни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган фоиз ставкаси бўйича ва қайтарилиш муддати харажатлар қопланиши муддатига қараб, 7 йилдан 10 йилгача бўлган қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Машина-трактор парклари 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан тадбиркорлик субъектларига сотилади.

Шу билан бирга, жорий йилда эксперимент тариқасида Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта териш ишларига жалб қилинадиган пахта териш машиналари хизматидан фойдаланганлик учун харажатларнинг 30 фоизи Молия вазирлиги томонидан қопланади.

Ўз навбатида қарорда қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчилари учун ҳам имтиёзлар берилмоқда. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини сотишдан тушган маблағлар 2020 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши белгиланди. Шунингдек, 2020 йил 1 январга қадар лизинг компаниялари ва тижорат банклари учун қўшилган қиймат солиғи лизинг хизматлари қисмида қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Қарор билан устав капиталлари (фондлари)даги «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятининг улушлари корхонанинг асосий фаолиятини сақлаб қолиш шарти билан сотиладиган хўжалик жамиятлари ҳамда устав капиталлари (фондлари)даги ҳудудий «Агросервис МТП» МЧЖларнинг улуши тадбиркорлик субъектларига сотиладиган машина-трактор парклари рўйхатлари ҳам тасдиқланди. Унга кўра, ҳудудий "Агросервис МТП" МЧЖнинг асосий фаолияти турини сақлаб қолган ҳолда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти тадбиркорлик субъектларига сотиш белгиланди. Машина-трактор парклари сотилмаган тақдирда, бошланғич нархни улар сотувга қўйилган санадан икки ой ўтгач ҳар 15 кунда босқичма-босқич 10 фоизга камайтириш механизмини қўллаган ҳолда, аммо номинал қийматдан кам бўлмаган нархда оммавий сотувга қўйилади.

Қарор билан қишлоқ хўжалиги техникалари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда 2021 йилнинг охирига барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш даражасини камида 40 фоизга етказиш вазифа қўйилмоқда.

Сўзимизнинг бошида айтганимиздек, аграр соҳада техника воситаларисиз кутилган натижаларга эришиш мушкул. Айниқса, фермерга трактор, комбайн, умуман, қишлоқ хўжалиги техникалари кундалик эҳтиёж каби муҳим саналади. Давлат раҳбарининг мазкур қарори деҳқон-фермерларни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланишини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Обиджон СОБИРОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

MUNOSABAT

Соҳа ривожи йўлида

Аграр соҳани техникасиз тасаввур этиш қийин. Дейлик, ерни шудгорлашдан тортиб, уруғ экиш-у кўчатларга ишлов бериш, ҳосилни йиғиб-териб олиш дейсизми, ҳар бир жараёнда қишлоқ хўжалиги техникаларининг алоҳида ўрни, вазифаси бор.

Бугун республикамизда фаолият юритаётган деҳқон-фермер хўжаликларининг барчаси керакли қишлоқ хўжалиги техникалари билан етарлича таъминланган, дея олмаймиз. Жумладан, биргина Наманган вилоятида 5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги бўлса, албатта, уларда қишлоқ хўжалиги техникаларига эҳтиёж мавжуд.

Президентимизнинг жорий йил 4 апрелдаги соҳага оид қарори бу борадаги мавжуд муаммоларга ечим бўлиши шубҳасиз.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, ғалла ўриш ва пахта териш техникаларини етказиб беришни молиялаштириш Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 7 йилдан 10 йилгача бўлган ва қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган миқдордаги муддатли қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бу нима дегани?

Йиллар давомида ғалла ўриш мавсумида фермер хўжаликлари ўрим техникаларига навбатда туришар, мабодо техника бир иш кўрсатса, мавсум анчайин ортга сурилиб кетиши ҳам бор гап эди. Юқоридаги имконият фермерлар учун жуда катта қулайлик яратади. Сабаби, имтиёзли шартлар асосида олинган техника фермернинг оғирини енгил қилиши билан бирга, мавсумда иш фақат олдинга силжишига хизмат қилади.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратсак. "Маҳаллий трактор, ғалла ва пахта сеялкалари, омоч корпусларини харид қилиш учун кредит ва лизинг шартномаси бўйича фоиз харажат ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдори бюджет ҳисобидан қопланади", дея Қарорда алоҳида қайд этиб қўйилди.

Демак, аграр соҳа вакиллари бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимиз ривожи, тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, ўзлари фаолият юритаётган хўжаликнинг ҳар томонлама юксалишига хизмат қиладилар, деб ишонамиз.

Азизбек АБДУСАЛОМОВ,
Наманган вилояти фермерлар кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Қарори билан танишар эканман, хаёлимдан кўплаб фикрлар ўтди.

Деҳқоннинг қўл-қаноти

Мен узоқ йиллардан бери фермерлик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Ҳар йили шартномавий режаларни ортиғи билан бажарамиз. Аммо бунга ўз-ўзидан эришилмайди. Машаққатли меҳнат, табиат инжиқликларига чидаш ва енгиш, ишчи-деҳқонларга муносиб иш шароитлари яратиш орқали кўзлаган мақсадимизга эришиб келяпмиз. Деҳқончиликда, умуман, аграр соҳада техниканинг ролини фермерлар яхши билишади. Техника бўлмаса, ҳамма меҳнат бекор кетади, орзу-умидлар саробга чиқади. Шунинг учун ҳам техника деҳқоннинг қўл-қаноти дейишади.

Техникасиз бирор-бир агротехник тадбирни ўз вақтида амалга оширишнинг имкони йўқ. Қанча фермерларимиз айнан қишлоқ хўжалик техникалари йўқлиги туфайли ўз вақтида экин эколмай, ерга ишлов беролмай қийналганига, оқибатда қанча маблағи, меҳнати ҳавога совурилганига гувоҳ бўлганмиз.

Бугун барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилинаётган, соҳага инновацион ёндашилаётган даврда янги, замонавий техникага бўлган эҳтиёж янада ошган.

Муҳтарам Президентимизнинг мазкур қарори ана шу эҳтиёжни қоплашга қаратилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг ғалла ўриш ва пахта териш техникасидан ташқари, республикада ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторлар, ғалла ва пахта сеялкалари, шунингдек, уч ёки ундан ортиқ омоч корпусларини харид қилиш учун кредит ва лизинг шартномалари бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши барча деҳқонлар, фермерлар, соҳа вакилларини хурсанд қилди.

Соз, замонавий техникага эга бўлиш фермерга катта марраларни кўзлаш имкониятини беради, кутилаётган натижага эришишни нақд қилиб кўяди. Мазкур қарор аксарият фермерларнинг ўз техникасига эга бўлишини кафолатлайди. Қарорда белгиланган бошқа вазифалар ҳам аграр соҳа ривожида, техника таъминотида муҳим аҳамиятга эга.

Шуҳрат ЎДАБОЕВ,
Шовот туманидаги "Уста Матсафо" фермер хўжалиги раҳбари

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пахта хомашёси ишлаб чиқарувчиларга томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун экин майдонларининг ҳар бир гектарига 8 миллион сўм субсидия тақдим этилади.

Бугунги кунда аҳоли пунктлари, хусусан, шаҳарларни канализация тизимисиз тасаввур этиш қийин. Мазкур тизимдан фойдаланувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Тармоқнинг одамлар учун яратаётган қулайликлари ҳам барчамизга аён. Аммо бунинг иккинчи томони ҳам бўлиб, у ҳам бўлса, агар ифлосланган сув босқичма-босқич тозаланиб, кейин ҳавзаларга чиқарилмаса, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, тозаланмасдан табиатга чиқариб ташланган сув экологик инқирозни кучайтириб, инсонлар ҳаёти, соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.

«TOSHKENT PLAST POLIMER» МЧЖда оқова сувлар зарарсизлантирилмасдан, Чирчиқ дарёсига йўналтириб қўйилган.

КАНАЛЛАРГА ОҚИЗИЛАЁТГАН КАНАЛИЗАЦИЯ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАСИГА МУНОСАБАТ ҚАНДАЙ?

Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huquq»

Айни вақтда мамлакатимизда бу тизим қандай аҳволда? Бош прокуратурадан олинган маълумотларга кўра, республикамизда оқова сув хизматлари мавжуд шаҳар ва посёлкалардаги аҳоли сони 9,6 миллион нафарни ташкил этади. Бироқ улардан 3,8 миллион нафаригина оқова сув тармоқларига уланган, холос. Республикада мавжуд 71 та оқова сув тозалаш иншоотларидан 56 таси эса таъмирталаб ҳолатда. Улар айни пайтда ўртача 63 фоиз қувват билан ишламоқда. Оқова сув коллекторлари ва тармоқларининг 27 фоизи эскирган ва авария ҳолатда. Айниқса, Хоразм, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида бу тизимни қайта реконструкция қилиш талаб этилади. Афсусланарлиси, "Сувоқова" корхоналарига қарашли оқова сув иншоотларида сувни тозалаш сифати давлат стандарти талабларига жавоб бермайди. Мисол учун, 1978 йилда ишга туширилган Урганч шаҳар оқова сув тозалаш иншооти 49,3 фоиз қувват билан ишламоқда. Иншоот умуман яроқсиз. Оқова сув тозалаш иншоотининг лойиҳавий қуввати суткасига 3 690 минг метр кубни, ҳақиқатда тозаланаётган оқова сув суткасига 2 328 минг метр кубни ташкил этади.

Сув таъминоти корхоналари бир неча йиллардан буён ўз фаолиятларини зарар билан якунлайди. Аксарият сув таъминоти корхоналари мунтазам фойда кўрмаслиги натижасида зарар миқдори йилдан-йилга ўтаверади. Айниқса, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бундай қарздорлик йил сайин ошиб бормоқда.

Эътироф этиш керакки, Тошкент шаҳрида бу тизим бошқа ҳудудларга нисбатан самарали фаолият кўрсатяпти. Шаҳар оқова сув тармоқлари бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, айни вақтда пойтахт аҳолисининг 90,1 фоизи марказлашган канализация тармоғидан фойдаланади. Сувсоз корхоналари томонидан бир кунда шаҳримиз аҳолисига 1,8 миллион метр куб сув жўнатилса, шундан 1,5 миллион метр куби канализация тармоқларига қайтиб тушади. Бу сувлар шаҳарда мавжуд 3 та, Салор, Бўзсув ва Бектемир оқова сувларни қайта ишлаш аэрация иншоотларида тозаланади.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 16 декабрдаги қарорига асосан Ислом тараққиёт банкининг инвестицияси иштирокида "Тошкент шаҳар канализация тармоқларини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида реконструкция ишлари учун маблағ ажратилиб, 2013-2017 йилларда реконструкция ишлари амалга оширилди, — дейди Тошкент шаҳар оқова сув тармоқлари бошқармаси бош муҳандиси Абдуқодир Алимов. — Мазкур иншоотларнинг асосий ускуналари ҳамда механизмлари, яъни насос қурилмалари, ҳаво ҳайдаш агрегатлари, механик панжаралар, бирламчи ва иккиламчи тиндиргичлар учун қўйқани йиғиш ва тортиш, аэрация тизимлари ва электр ускуналари алмаштирилди. Керакли техника воситалари харид қилинди. Кимёбактериологик лабораториялар мукаммал таъмирланиб, янги замонавий асбоб ва ускуналар билан таъминланди. Натижада канализация сувларини тозалаш ишлари янги босқичга кўтарилиб, улар хавфсиз ҳолатга келтирилмоқда ва сув ҳавзаларига чиқарилмоқда.

> *Республикада мавжуд 71 та оқава сув тозалаш иншоотларидан 56 таси таъмирталаб ҳолатда.*

Таъкидлаш жоизки, оқова сувлар аэрация иншоотларида 70-80 фоизгача тозаланади. Бош муҳандиснинг эътироф этишича, тозаланган сув қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилар, унда ҳатто балиқ ҳам бемалол яшар экан. Аммо кейинги йилларда Бектемир тумани ва унга чегарадош бўлган Зангиота туманининг Хонобод қишлоғи аҳолиси айни Бектемир оқова сувларни тозалаш иншооти фаолиятидан норози бўлмоқда. Уларнинг таъкидлашича, вақти-вақти билан ушбу иншоотдан атмосферага чиқаётган бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди. Ушбу ёқимсиз ҳид атрофга тарқалиб, мазкур ҳудудда жойлашган Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилоят филиалида даволанаётган беморларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Деярли ҳар куни кечки пайт жуда қўланса, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, нажас ҳиди анқиб, бутун ҳудуд бўйлаб тарқалади, — дейди шу ерда яшовчи фуқаро Шукур Усмонов. — Бу ҳид уйларга ҳам кириб, ўтириб қолади. Эшик ва деразаларни очай, десангиз, ундан янада кўпроқ "баҳраманд" бўласиз. Шунинг учун ҳам хоналаримизни тонггача шамоллатишнинг иложи йўқ. Атрофда яшаётган аҳоли бир неча йилдан буён бу ёқимсиз ҳиддан нафас олишга мажбур бўляпти.

Мазкур муаммо бўйича яна Абдуқодир Алимовга мурожаат қилдик.

— Аҳоли ҳақли эътироз билдирмоқда. Муаммонинг илдизи қаерда эканлигига ойдинлик киритадиган бўлсак, кейинги йилларда мазкур ҳудудда тад-

«INTERSOK» МЧЖдан чиқаётган маиший оқова сувларининг бир қисми қайта ишланмасдан, мазкур қувур орқали дарёга чиқариб юборилади.

Сирдарёда прокуратура ходими каналда чўкаётган қизни қутқариб қолди.

биркорлик субъектлари томонидан бир нечта йирик ишлаб чиқариш корхоналари қурилиб, фаолият бошлаган. Уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми катта. Тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларига кўра, оқова сувни тиндирмасдан, канализацияга оқизиб юбориш мумкин эмас. Шу сабабли, ҳудудда фаолият юритаётган ҳар бир корхонада оқова сувларни тиндириш учун махсус ҳовузлар бўлиб, чиқинди сувлар мазкур жойга йиғилади. Тўлгандан сўнг чўкмаси қолади, суви эса канализацияга оқизилади. Ҳовузлар чиқинди сувларга тўлгунга қадар орадан бир неча кун ўтади. Шу даврда чиқиндилар ачиб-чириб, бадбўй ҳид таратадиган даражага келади ва канализация қувурлари орқали оқиб, сувни тозалаш иншоотларига (сувни техник тозалаш ҳовузлари) тушади. Ана шу пайтда аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган бадбўй ҳид атрофга таралади. Корхоналар шу сувларни ҳидланиб, сасиб қолгунча ушлаб турмасдан, уларга тез-тез ишлов бериб, канализацияга ташлаб туришганида, бу муаммо ечимини топган бўларди. Агар бу ҳид Бектемир оқова сувларни қайта ишлаш аэрация иншоотлари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар боис чиқаётган бўлганида эди, кун мобайнида таралиб турарди. Чунки биз тозалаб, зарарсизлантирган иккиламчи сувлар узлуксиз равишда Чирчиқ дарёсига чиқариб қўйилган. Бундай бадбўй ҳид нима учун Салор ёки Бўзсув аэрация иншоотларида йўқ? Боиси, уларга келадиган оқоваларда бир неча кун ҳовузда қолиб, ҳидланиб кетган сувларнинг миқдори жуда кам.

Тошкент шаҳар оқова сув тармоқлари бошқармасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, сув объектларига оқинди сувларни оқизишга сув объекти таркибидаги ифлословчи моддаларнинг белгилаб қўйилган меъёрлардан ошиб кетишига йўл қўймаслик шарти билан, шунингдек, сувдан фойдаланувчи ҳамда сув истеъмолчиси бундай оқинди сувларни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгилаб қўйилган даражага етказиб тозалаб бериши шарти билангина йўл қўйилиши белгиланган. Яъни, ишлаб чиқарувчи корхоналар заҳарли кимёвий моддалар, буёқ билан ифлослантирилган оқова сувларни бирламчи тозалашдан ўтказгандан сўнггина, канализация қувурларига ташлашлари шарт. Ушбу оддий қоидаларга риоя этиш атроф-муҳитни тоза сақлаш, инсоннинг бебаҳо бойлиги — соғлиғини асраш учун жуда муҳим. Афсуски, кимёвий моддалар билан ишловчи корхоналарнинг аксарияти бу жараённи амалга оширишдан кўра, белгиланган компенсацияни (жарима) тўлашни афзал билмоқда. Улар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария назорати органлари томонидан белгиланган компенсация пулларини тўлаб, чиқинди сувларини бемалол канализацияга оқизиб юбормоқда. Аэрация иншоотларида эса сувни кимёвий моддалардан тозалаш технологиялари мавжуд эмас.

Айни вақтда Бектемир туманида фаолият олиб бораётган бир нечта йирик корхонада ана шундай ҳолатларга йўл қўйилмоқда. Жумладан, ҳудуддаги республикамизда машҳур бўлган, мева-сабзавотларни қайта ишлаб, турли шарбатлар ҳамда қуритилган сабзавотлар ишлаб чиқарувчи "Intersok" масъулияти чекланган жамиятида юқорида таъкидланганидек, оқова сув таркибидаги кимёвий моддаларни ушлаб қолувчи мослама йўқ. Ачинарлиси, бу корхона ишлаб чиқаришдан чиқаётган маиший оқова сувларнинг бир қисмини зарарсизлантирмасдан, Чирчиқ дарёсига йўналтириб қўйган. Пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Toshkent plast polimer" МЧЖда ҳам оқова сув таркибидаги оғир ва кимёвий моддалар ушлаб қолинмайди. Бу ерда ҳам ишлаб чиқаришдан чиққан маиший сувлар зарарсизлантирилмасдан, Чирчиқ дарёсига йўналтириб қўйилган. Шунингдек, ушбу ҳудудда фаолият олиб бораётган паррандаларни сўйиш қушхонаси "Best poltry" МЧЖ, иккиламчи пластмасса маҳсулотларини қайта ишловчи "Dipromus" МЧЖ, чиқинди қоғозларни қайта ишлайдиган "Нафис қоғоз" МЧЖ, колбаса ва пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ихлос келажак" МЧЖ ҳамда автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи "КІК" МЧЖда ҳам ўзларидан чиқаётган оқинди сувлардаги кимёвий моддаларни ушлаб қолувчи мосламалар йўқ.

— Айниқса, "Intersok" МЧЖга қарашли пиёзни қайта ишлаб, қуритадиган цехдан чиқадиган оқинди сувнинг тозаланмасдан, канализацияга оқизилиши оқибатида бундай сувларни тозалашда фойдаланадиган бактериологик микроорганизмлар ҳам нобуд бўлмоқда, — дейди Бектемир оқова сувларни тозалаш иншооти бош муҳандиси Абдулазиз Жакиев. — Шу билан бирга, аксарият аҳоли канализация хизматидан тўғри фойдаланишни ҳам билмайди. Кўп ҳолларда канализация қувурларидан йирик, қаттиқ буюмлар, сўйилган ҳайвонларнинг ичаклари ва бошқа чиқиндилар оқиб келади. Буларнинг барчаси иншоотимизда ишлаб турган нозик механизмларга ўралиб қолиб, уни ишдан чиқаради.

Гувоҳи бўлганингиздек, мазкур корхоналардан чиқаётган маиший оқова сувлардаги кимёвий моддалар тозаланмасдан, Чирчиқ дарёси сувларига қўшилиб кетмоқда. Бошланиши пурвиқор тоғларга бориб тақаладиган Чирчиқ дарёси эса республикамизни сув билан таъминлайдиган асосий дарёлардан бири Сирдарёга бориб қуйилади. Жараён шу тариқа давом этаверса, келажакда сув ҳавзаларимизнинг тақдири нима бўлади?

— Бундан 15-20 йил аввал Чирчиқ дарёсида балиқлар кўп бўларди, — дейди дарёга яқин ҳудудда яшовчи фуқаро Тоир Бобомуҳаммедов. — Дарёда лаққа, сазан, дўнгпешона каби кўплаб балиқ турлари борлигига гувоҳ бўлганмиз. Табиати ҳам хилма-хил, мавсумга қараб бу ерда турли ноёб қушларни учратардик. Афсуски, сув ифлосланиб кетгандан кейин қушлар ҳам келмай қўйди. Айни пайтда сувда ҳатто балиқ чавоғини ҳам учратмайсиз. Дарё сувида чўмилишга ҳам кўнгил тортмайди. Агар шундай давом этаверса, яна бир неча йиллардан кейин Чирчиқ дарёсидан фақат чиқинди сув оқишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳридан оқиб ўтадиган каналлар ва уларнинг қирғоқ атрофини чиқиндилардан тозалаб, сўлим гўшага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада махсус "Йўл харитаси" ҳам ишлаб чиқилди ва каналлар қирғоғига туташ ҳудудларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Бироқ, Чирчиқ дарёси бундай ислоҳотлардан четда қолаётгани афсусланарли ҳолдир.

Давлатимиз томонидан тадбиркорларга катта имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Бунга жавобан улар ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, фуқароларимизни иш билан таъминламоқдалар, белгиланган солиқларни тўлаб, давлат бюджетига фойда келтиришяпти. Уддасини қилиб, маҳсулот экспортини йўлга қўйганлари эса юртимизга қўшимча валюта олиб келмоқда. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор, яъни ишлаб чиқариш билан табиат доимо ёнма-ён туради. Бирига ён босилса, иккинчиси зарар кўра бошлайди. Шу боис ҳам, тарозининг иккала палласини доимо тенг ушлашга ҳаракат қилиш керак. Мамлакатимизда мазкур мувозанатни ушлаб туриш учун керакли қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Фақатгина тадбиркорлар уларнинг ижросига панжа орасидан қарамасдан, икки томонга ҳам бир хил муносабатда бўлиб, фаолият юритсалар, юрт келажагига бефарқ бўлмаётганликларини исботлаган бўлардилар. Аксинча, фойдани "чўнтак"ка солиб, зарарларини "парда" билан тўсаверсалар, йилдан-йилга турли табиат муаммоларига дуч келаверамиз.

Бадбўй ҳид шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилоят филиалида даволанаётган беморларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бектемир оқова сувларни тозалаш иншоотида зарарсизлантирилган канализация сувлари куну тун дарёга оқиб туради.

MULOHAZA

ҲАР ТОМЧИДА ҲАЁТ МУЖАССАМ

Латофат БЎРИЕВА,
«Huquq»

Хусрав Деҳлавийнинг "Гулоб шарбатини тўйиб ичсанг ҳам, сувсиз ташналигинг асло бўлмас кам", деган сўзларида кенг маъно мужассам. Дарҳақиқат, сув Аллоҳ берган бебаҳо неъмат бўлиб, усиз ҳаёт йўқ. Сув билан табиат жонланади, ҳаёт ниш уради, яшашга ошиқади, куч-қувватга киради. "Сувга супринди ташлама", "Сувга тупурма", "Қудуққа тош ташлама", деган сўзларга кишилар риоя этишган. "Оқар сув бошида яшайдиганлар асал ичади, сув охирида яшайдиганлар заҳар ичади", деган гаплар ҳам бежиз айтилмаган.

Ўзбек халқи учун сув доимо муқаддас саналган. Нонинг ушоғи ҳам нон бўлганидек, сувнинг томчиси ҳам сувдир. Унинг муқаддаслиги, азизлиги айни ҳақиқат, буни ҳеч биримиз инкор қилмаймиз.

Ислом тарихига оид китобларда ёзилишича, охиратда Аллоҳ назари тушган бандаларига куч-қувват бахш этиш учун аввал Ҳавзи кавсардан сув тутилар экан. Гуноҳкорларга эса бу сувнинг бир томчиси ҳам насиб бўлмас экан.

Сув ер юзининг қарийб тўртдан уч қисмини ташкил қилади. Гидросфера умумий ҳажмининг қарийб 94 фоизи океан ва денгизлар бўлиб, 4 фоизи ер ости сувларига, 2 фоизи муз ва қорларга (асосан, Арктика, Антарктида ва Гренландия), 0,4 фоизи эса қуруқликдаги сувларга (дарёлар, кўллар, ботқоқликларга) тўғри келади.

Сувни ичамиз, кундалик эҳтиёжларимиз учун ишлатамиз, лекин ҳозирги вақтда ичимлик сувининг дунё бўйича танқислигини хаёлимизга келтирмаймиз. Одам оч қолса бир амаллаб уни тўйдириш мумкин. Ташна бўлса-чи? Ташналикнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Бугунги кунимизга назар ташласак, биров сувни зар деб билса, яна биров уни бемалол сарф қилади. Ичимлик суви жўмраклардан тўхтамай оқиб ётса-да, ювиниш ва кир ювишда истеъмолга яроқли сувни ҳаддан зиёд ишлатса ҳам, биров "Ҳой, сувни бекорга сарфлама, увол қилма, тўхтатиб қўй", демайди. Тоза ичимлик суви билан экинларимизни суғорамиз, машинамизни ювамиз, салқинланиш учун ҳовлилар, кўчаларга сепамиз. Бу ҳам етмаганидек, айрим кимсалар томонидан сув ҳавзаларига, ариқ, канал ва сув шохобчаларига турли чиқиндилар ташланмоқда.

Яқин ўтмишда эса ота-боболаримиз ариқ ва анҳорлардаги оқар сувни истеъмол қилишар, ўзанлардан ичишга ярайдиган тоза сув оқар эди. Ҳозирги кунда хонадон чиқиндилари, ахлатларни тўғридан-тўғри анҳорга, оқар сувларга ағдарамиз. Оқибатда бундай ариқларда сувни ичиш у ёқда турсин, ҳатто қўл ювишга ҳам ботинолмаймиз.

XI аср шоири Фахриддин Гургоний ўз давридаёқ сувларни ифлос қилмаслик ҳақида ўта фойдали фикрлар билдириб, шундай мисралар ёзиб қолдирган эди: Бугун чашма сувин қилсанг агар хор, бошқа ичолмассан бу сувдан зинҳор.

Баъзан "сабр косаси" тўлган сув биздан росмана ўч олаётганга ўхшайди. Турли ичак касалликлари, қичишма, тошма, ўсимта, жигар касалликлари, сув аллергияси... Хуллас, сувнинг ифлосланиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар ортиб бормоқда. Буни тиббиёт ташхислари ҳам тасдиқлаяпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Атроф-муҳит муҳофазаси" дастури (ЮНЕП) маълумотларига кўра, сайёрамиздаги дарёларнинг ярми жиддий ифлосланган бўлиб, ер шари аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Ҳар йили тоза ичимлик суви танқислиги туфайли 1,2 миллион киши турли хил хасталикларга дучор бўлмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЕ) маълумотига кўра, йилига 5 миллион киши ифлосланган ва сифатсиз сувдан истеъмол қилишга мажбур. Яна 30 йилдан сўнг тоза ичимлик суви танқис ресурс бўлиб қолиши мумкин экан. Бундай шароитда сув заҳираларидан тежамли, оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш бугунги куннинг биринчи даражали вазифаларидан бири ҳисобланади.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Чорсу" меҳмонхонаси ўрнида қачонлардир "Уккоша" булоғи бўлган экан. Энди булоқнинг кўзига тупроқ тортилган. Кексаларнинг айтишича, "Пахтакор" метро бекатидан "Чорсу" меҳмонхонасигача бўлган масофада яна бир неча ўнлаб булоқлар бўлиб, бугун улар ҳам кўмилиб кетган.

Сувнинг исроф бўлишига йўл қўймай, уни тежаб-тергаб ишлатайлик. Фарзандларимизга ҳам сувни исроф қилмасликни ўргатайлик. Бир дона носоз жўмракдан томчилаётган сув бир соатда қанча бўлишини ҳисоблаб, оқибатини тасаввур қилайлик.

Президентнинг «5 та ташаббус» лойиҳаси бўйича Бўка туманида дастлабки амалиётлар бошланди.

FAOLIYATIDAN

Бозор директорининг «таклифи»

Улуғбек НАЗАРОВ,
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

Порахўрлик ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жамият учун ижтимоий хавфи юқори ва оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар тоифасига киради. Ушбу жиноятлар жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизига путур етказибгина қолмай, янги жиноий қилмишлар содир этилишига ҳам йўл очиб беради. Шу боис пора берганлик ва пора олишберишда воситачилик қилганлик учун ҳам жиноий жазолар кучайтирилган.

Яшнобод туманидаги "Авиасозлар деҳқон бозори"да гўшт, тухум, картошка, пиёзнинг арзон сотилиши устидан Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш департаменти томонидан ўрнатилган назорат 2017 йилдан буён АЖ директори лавозимида ишлаб келаётган Эрмон Наимовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "ризқини қияётган" эди. Шунинг учун ҳам у Вазирлар Маҳкамасининг махсус баённомаси асосида вилоятлардан келтирилиб, арзонлаштирилган нархларда сотиладиган айрим маҳсулотларни назорат қилмасликка, кунлик тушумларни текширмасликка эришиш мақсадида Департаментнинг туман бўлими бошлиғига қўнғироқ қилиб, у билан гаплашиб олишни таклиф қилади.

Хуллас, ўтган йилнинг 20 сентябрь куни улар тумандаги "Ченсон" кафесида учрашади. Ўзаро суҳбатда мақсадга кўчган директор бозорга келтирилиб, арзонлаштирилган ҳолда сотилаётган гўшт билан тухумдан бир ойда 4500-5000 АҚШ доллари атрофида фойда кўришини, шундан 1500 АҚШ долларини унга пора тариқасида бериб туришини айтади.

Пул билан давлат хизматчисининг оғзини мойламоқчи бўлган Э.Наимов "Ойнинг биринчи 10 кунлиги ҳисобидан", дея Департаментнинг туман бўлими бошлиғига бўнак сифатида 550 АҚШ долларини солинган "берсетка"сини узатади. Шу пайтда бир неча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари пайдо бўлишди.

Бозор директори жиноят устида ушлангандан сўнг, ҳамма ҳам у каби нафсига қул эмаслигини англаб етган бўлса, ажаб эмас..

Мазкур ҳолат юзасидан тегишли тартибда жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг ҳукми билан Э.Наимовга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Халқимиз: "Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил", деб бежиз айтмаган. Одамларимиз пора бериш ҳам жиноят эканлиги борасида фикр қилсалар, яъни ҳар ишда қонуний йўлни танлашса, ўзларига фойда. Энг муҳими, ҳар ким пора беришдан ўзини тийса, аввало, жиноятчи бўлиб қолмайди, қолаверса, жамиятда порхўрликка чек қўйилган бўларди.

Беш эчки қишлоғида яшовчи Мавжудахон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уч йил муқаддам судланган, жарима жазосига тортилган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармаган экан.

Қора курсидаги уч аёл

Мўминжон ҲАЙДАРОВ,
Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси инспектори

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда тавбасига таянмаган аёл яшаб турган уйида қайтадан қонунга хилоф равишда пахта чигитидан пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқаришга "бел боғлагани" фош этилди.

Қўлбола усулда ишлаб чиқарилиб, полиэтилен идишда сақланган ҳамда 5 литрли "Алтин май" этикеткаси ёпиштирилган идишларга қадоқланиб, сотишга тайёрлаб қўйилган пахта ёғи, кунжара, қўлбола усулда ясалган ёғ олиш дастгоҳи ашёвий далил тарзида олинди. Қўқон синов ва сертификатлаш маркази давлат корхонасининг синов баённомасида қўлбола усулда тайёрланган пахта ёғи стандарт талабларига номувофиқлиги ва истеъмолга яроқсизлиги қайд этилган.

Мавжудахон Мамажоновага нисбатан қўзғатилган жиноят иши "Истиқлол" МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўрилди. Такроран хуфиёна равишда қўлбола пахта ёғи ишлаб чиқариб пуллашга уринган аёлга бу сафар озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

60 ёшдан ошган аёл чигитдан пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқариб сотишга киришган.

Мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайдиган Салимахон қўшниси жиноий жавобгарликка тортилганини, кўра била туриб, қонунга хилоф ишини давом эттираверган. У икки нафар ҳамқишлоғини тунги сменада ишлатган. Тундаги ишнинг иси чиқмайди, дея хомтама бўлган. Кунига 30 минг сўмдан иш ҳақи олган Насрулло ҳамда Фахриддин қўлбола ясалган дастгоҳда пахтадан чигитни ажратиб, қўлбола мойжувозда олинган пахта ёғини полиэтилен идишларга қадоқлаб беришган.

Кўп ўтмай, Салимахон Зафарованинг ғайриқонуний фаолиятига ҳам чек қўйилди. Хонадонининг ошхонаси остидаги ертўладан ашёвий далил — пахта чигити ва толасини ажратиб оладиган дастгоҳ, электр двигатель, қўлбола мойжувоз, 1,5 тонна чигит, 5 та 20 литрли полиэтилен идишга қуйилган, истеъмолга яроқсиз 100 литр пахта ёғи, 750 килограмм кунжара расмийлаштириб олинди.

Шунингдек, хуфиёна фаолиятга чек қўйиш ва олдини олиш тадбирларида "Мустақиллик" ҳамда "Эшон" маҳалла фуқаролар йиғинларида яшаб турган уйларида пахтани тозалаш заводидан ўғринча олиб чиқилиб пулланган чигитдан қўлбола дастгоҳларда пахта ёғи ва кунжара ишлаб чиқариб сотишга киришган олтмиш ёшдан ўтган Насиба Юрсинова ҳамда йигирма олти яшар Назиржон Ниёзовларнинг жиноий қилмишлари фош этилди.

Жиноят ишлари МФЙда бўлиб ўтган очиқ сайёр суд мажлисларида кўрилиб, "ишбилармонлар"га ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

«Савдо маркази»га айланган хонадон

Жуманазар САЛАЕВ,
Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Ҳалоллик, поклик ҳар қандай ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Аммо, орамизда бундай хислатлардан узоқ бўлган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Аниқроғи, мавжуд қонунларга чап бериб, кўча-кўйда, турли тақиқланган жойларда, ҳатто ўз хонадонида хорижий валютани алмаштиришни ўзларига "касб" қилиб олганлар учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси ходимлари томонидан валютага оид жиноятларни ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда Урганч шаҳар Туркистон кўчасида яшовчи валютафуруш фуқаронинг ноқонуний ҳаракатлари фош этилди.

Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси вилоят ИИБ билан ҳамкорликда ўтказган тезкор тадбирда урганчлик фуқаро Сотимбой Ҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз хонадонида харидордан ҳар бир АҚШ долларини 8320 сўмдан ҳисоблаб, ундан 11 минг 450 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Тадбир давомида ушбу валютафурушдан ноқонуний муомалага киритиш учун мўлжалланган жами 700 АҚШ доллари, 133 650 Россия рубли, 545 700 Қозоқ тенгеси ва 64 миллион 812 минг сўм пуллар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Икки юз мингга бой берилган обрў

Ўктамжон ТЎЙМУРОДОВ,
Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими бошлиғи

Сабо Расулова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) узоқ йиллардан буён педагогика соҳасида фаолият юритиб келади. Тажрибали, ўз ишининг устаси, билимли муаллима. У Андижон шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежидан бирида директор ўринбосари сифатида ҳурмат топган. Аммо нима бўлди-ю нафсининг қулига айланиб, мисқоллаб йиққан обрўсини бой берди.

С.Расулова тузуккина маоши бўла туриб, пул топишнинг ноқонуний йўлига кириб қолди. Коллеж битирувчиси С.Аҳмедовдан мазкур коллежни тамомлаб, ўрта махсус маълумот олганлик ҳақидаги дипломни коллеж директори орқали олиб бериш эвазига 200 минг сўм сўрайди С.Расулова талаб қилган пулининг бир қисмини қўлга киритади.

Орадан бир неча кун ўтгач, С.Расулова қолган пулни талаб қила бошлайди. Аммо С.Аҳмедов пулни топа олмай, бу ҳақида отасига айтади. Директор ўринбосарининг талаби ноқонуний эканлигини билган ота тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади. Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда С.Расулова келишувдаги суммани қолган қисмини хизмат ҳонасида олаётган чоғида жиноят устида қўлга олинди.

Суд ҳукмига кўра, директор ўринбосарига қилмишига яраша тегишли жазо тайинланди.

E LON

"BEST AUTO AUKSION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон "MAHALLA" хайрия жамоат фонди Самарқанд вилоят бўлимининг 2019 йил 5 апрелдаги 01/74-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд шаҳар, Ибн Сино кўчаси 11-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда:

2003 йил ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 30 134 JAA, техник носоз бўлган "ДАМАС" русумли автомашина, бошланғич баҳоси — 3 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 29 апрель куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 26 апрель куни соат 18:00. Ушбу мулк 2019 йил 29 апрель куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 2019 йил 15 ва 30 май** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан бюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади, Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда, закалат пулини "BEST AUTO AUKSION" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги ҳ/р: 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони 1-уй, 210-хона.

Тел: (+99893) 355-80-55, (+99899) 731-80-55.
Электрон почта манзили:
best.samarqand@inbox.uz,
Гувоҳнома №547246.

Хизматлар лицензияланган.

Жорий йилнинг 23-24 август кунлари Мўйноқда хорижий ва маҳаллий мусиқачилар иштирокида Орол денгизи муаммосига бағишланган "Табиий куч" деб номланган фестиваль бўлиб ўтади.

БЕБОШЛАР БАЗМИНИНГ ҚУРБОНИ

Қорақалпоғистон Республикаси жанубий туманларининг бирида юз берган ушбу жиноятнинг ўз вақтида олди олинганида эди, бугунги кунга келиб, гулдек бир қизнинг номуси оёқости бўлмаган, ёш, навқирон икки йигит эса темир панжара ортида ўтирмаган бўларди.

Альфия БИСЕНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

1993 йилда туғилган Бегзод Эргашев бундан уч йил олдин баданга шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятга қўл урган, аммо суднинг ажримига кўра унинг айблилик масаласи тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилганди. Бу, агар у теранроқ фикр юритганида, ёшликдаги хатосидан тегишли хулоса чиқариб олиши учун ўзига берилган имконият эди. Афсус, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа "қаҳрамон"ларидан бири ўтмишдаги хатосидан тегишли хулоса чиқармади. Аксига олиб, бекор юрди, тайинли бир ишнинг бошидан тутмади, қолаверса, ёш оиласи "ташвиш"ини ота-она ихтиёрига топшириб, "ўзига ўхшаган"лар билан улфатчилик қилишни одатга айлантирди.

Б.Эргашев шундай кунларнинг бирида ахлоқан қашшоқлиги боис оиласидан ажрашган, на келинлик хонадонига, на ота уйига сиғмай, саёқ юрган Дилноза Ҳамидуллаева билан танишиб қолади. Буни қарангки, "дунёқарашлари" бири-бирига ўхшаш бу кимсалар "пинҳона" учрашувларини ҳам бошлаб юборишади.

Дарвоқе, кези келганда яна бир гапни айтиш жоиз, Б.Эргашев бу пайтларда ўзига олдиндан таниш бўлган, ҳали балоғат ёшига етмаган қизнинг ҳам "бошини айлантириб", хаёлида, уни ҳам ўзиники қилиб қўйганди...

Бегзоднинг бундай юришлари кунлардан бир кун қандайдир кўнгилсизликни келтириб чиқариши ўз-ўзидан маълум эди. Аммо, Бегзод, Дилноза ва уларнинг танишлари бўлган Ойназар Муратов, Ойбек Ҳайитов ва Шоҳрух Ихтиёровлар бу ҳақиқатни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди.

Туман ҳудудида жойлашган кафеларнинг биридан маст ҳолатда чиққан йигитлар "ўтириш"ни давом эттириш мақсадида О.Ҳайитовнинг бўш турган уйига боришади. Табиийки, ичкиликбозлик бу ерда ҳам давом этиб, "ўтириш" қизийди. Орадан бироз вақт ўтгач, Бегзод маст ҳолатида бу уйга воғга етмаган танишини ҳам олиб келади. Ҳали балоғат ёшига етмаган, унинг устига, бундай тартибсиз "ўтириш"ларда иштирок этиб кўрмаган қиз ўзини ноқулай сезади. Айниқса, унинг қўлига ароқ тўла пиёла тутқазилганида, у дастурхон атрофидагиларга ўзининг ароқ ичиб кўрмаганлигини ва умуман, ичишни хоҳламаслигини айтади. Лекин, у "ичмайман" деб қанча ҳаракат қилмасин, барибир, атрофдагиларнинг қистови билан ичишга мажбур бўлади.

Мана шундай қистов остида учтўрт пиёла ароқ ичган қиз маст бўлиб қолади. Ёшлигидан фойдаланган ҳолда бошини айлантириб юрган қизининг ана шундай ҳолатга тушишини пойлаб ўтирган Бегзод унинг ёнига боради ва гўёки, ёрдам бермоқчи бўлгандек, уни уйнинг алоҳида хонасига етаклайди...

Бегзод синглиси тенги қизнинг номусини булғаб, дастурхон атрофига келганидан сўнг ичкиликбозлик яна давом этади. Бегзоднинг пасткашлиги тутиб, ҳозиргина нима "иш" қилгани ҳақида айтиб, мақтанар ва бундан ўзича ҳузурланарди. Энг ачинарлиси, бу ишнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигини шу ерда ўтирганларнинг ҳеч бири ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча, энди бу "хона"га маст ҳолатда бўлган Ойназар ҳам киришга қарор қилади ва қизнинг ожизлигидан, яъни ўзини ҳимоя қилиш имкониятига эга эмаслигидан фойдаланади...

Икки йигит томонидан оғир жиноят содир этилаётган пайтда қизнинг отаонаси хавотирланиб, ички ишлар бўлимига мурожаат қилган ва у қидирилаётганди. Қилғиликни қилиб, бир қизнинг номусини булғаган жиноятчилар эса жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида турли найрангларни ишга солиш билан овора эди. Лекин, уларнинг ўйлаб топган найранглари, табиийки, иш бермаслиги кундек равшан эди. Жиноятчилар шу куннинг ўзидаёқ қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Суд ишни холисона ва ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Одил суднинг ҳукмига биноан, Бегзод Эргашев ва Ойназар Муратовларга қилмишларига яраша узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Албатта, биз ушбу жиноят тафсилотларини имкон қадар қисқартириб, исм ва фамилияларни эса ўзгартирган ҳолда сизга етказишга ҳаракат қилдик. Хулоса чиқаришни эса газета ўқувчиларининг ихтиёрига қолдирдик.

Инсон учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноат бўлиб, энг зарарли ва нафратли нарса эса ҳирс ва ғазаб ҳисобланади.

Ҳашардаги фожиа

Улуғбек РАҲИМОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокуратураси терговчиси

Бир ишни қилишга одатланган киши ундан ҳеч қачон воз кеча олмайди, дея айтишган экан Шарқ донишмандлари.

Бу ҳикматлар айтилганига асрлар ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз ўз қадрини йўқотмаган. Бундай ҳақиқат ота-боболаримиз нақадар билимли ва узоқни кўра оладиган улуғ зотлар бўлганидан далолат беради. Бу ҳикматлар кўпчиликка ҳаётда ўз йўлини топишига хизмат қилган бўлса, ажаб эмас. Аммо беш қўл баробар бўлмаганидек, орамизда фақат ўзиникини маъқул биладиганлар ҳам учраб туради.

Рашид (исмлар ўзгартирилган) муқаддам икки марта жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, тузалмади. Спиртли ичимликка ружу қўйди. Оиласидан файзу барака кўтарилиб, пароканда бўлди. Аммо қирқ ёшни қоралаб қўйган Рашид ҳаётда ўз йўлини топишга уринмади. Қариндош-уруғ ва яқинларининг панд насиҳатларини қулоққа олмай, ўз билганидан қолмади.

Ёз бўйи уй кўтарган Бозорбой ёғингарчилик бошланмасдан томини ёпишга шошилди. Ён-атрофидаги қўшниларни ҳашарга чақирди. Рашид билан Акбар келгач, уч қўшни иш бошлашди. Рашид билан Акбар аввалдан келишолмасди.

Тушлик пайти Акбар уйига келди. Унинг аҳволини кўрган хотини тааж-жубланиб сўради:

— Нима гап, бирор нима бўлдими?

— Э, анави Рашид ҳар хил гапларни гапириб, жаҳлимни чиқаряпти, — деди у.

Тушлик қилиб бўлиб, яна ишига қайтди.

Кечки пайт уйига келиб, кийимларини алмаштирди-да, "Бозорбой ош қилди, ўша ёқда овқатланаман", — дея чиқиб кетди.

Бу пайтда ҳашарчиларга Ориф ҳам қўшилган эди. Улар овқатланиб, 4 шиша ароқни бўшатишди. Орада Рашид билан Акбар жанжаллашиб қолишди. Бундан Бозорбойнинг жаҳли чиқди. Агар уришадиган бўлишса, уйдан чиқиб кетишларини айтди.

Улар ташқарига чиқиб кетишди. Бироздан сўнг овозлари қаттиқроқ эшитила бошлагач, Бозорбой уйидан чиқди. Спиртли ичимлик таъсиридан шерга айланган қўшнилар муштлашиб, лой хандаққа тушиб кетишган экан. Ориф уларни чиқариб, уйларига жўнатиб юборди.

Аммо муштумзўрлар уйларига кетишмаган эди. Бир-бирини ҳақоратлаб, ёқалашишдан тўхташмади. Тун, вақт алламаҳал бўлган. Ичларидаги шайтон, бир гапдан қолишга йўл қўймас, аксинча, уларни гиж-гижларди. Ниҳоят, ғазаб, нафрат ўз кучини кўрсатди...

— Ориф, Ориф, — деб чақирди Акбар.

Ориф овоз чиққан томонга борса, Акбар қорнини ушлаб турибди. У

> *Спиртли ичимлик таъсирида қайта уйғонган эски адоват бир инсон умрига зомин бўлди.*

эўрга "Рашид мени пичоқлаб кетди", деёлди.

— Бозорбой, Бозорбой, — деб бақирди шошиб қолган Ориф. Лекин ундан дарак бўлмади.

Ориф Акбарни суяб, уйига олиб борди. Акбар олган тан жароҳати туфайли шифохонада оламдан ўтди.

Суд ҳукми билан Рашидга 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Гиёҳвандлик воситасининг башарият бошига келтираётган кулфатлари хусусида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, назаримизда. Чунки бугун мактаб ўқувчиси ҳам бу оғунинг қандай фалокатларга сабаб бўлишини яхши билади. Онги, тафаккури теран, имони мустаҳкам одам эса ана шу балодан ўзини узоқ тутади. Этагига тегса, ўша жойни кесиб ташлайди. Гиёҳвандлик балосининг илдиз отмаслиги учун унинг пайини қирқишга ҳаракат қилади.

Гиёҳфуруш назоратчи

Жаҳонгир ШАВКАТОВ,
Шаҳрисабз тумани прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи

Муқаддам икки бор судланиб ҳам тўғри йўлни топа олмаган китоблик Шуҳрат Соатовни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундай кимсалар сирасига қўшиш мумкин. Тумандаги "Тоза ҳудуд" ДУК назоратчиси бўлиб ишловчи бу кимса яна бир бор жиноятга қўл урди.

Ошхонада узоқ давом этган улфатчиликдан сўнг Ш.Соатов шерикларига ҳозир келаман деди-ю, рўпарадаги бозорга кириб кетди. Озгина ширакайф бўлгани боис, ҳали иш вақтининг тугамаганини ҳам унутди. Расталар оралаб, бозорда савдо қилиб турган эски таниши А.Ваҳобовнинг ёнига борди.

— Бир КамАЗ юк бор, соат 17:00да паркка 200 минг сўм олиб бориб, уни тушириб қол, — деб Ш.Соатов таниши тушунадиган махфий сўзлар билан унга ниятини билдирди. Гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланиб, жазосини олган А.Ваҳобов эса бу шамани тезда илғади. Ш.Соатовга бош ирғаб маъқул ишорасини қилди. Аммо унинг яна бир бор жазолангиси йўқ эди.

Ш.Соатов ошхонага қайтиб, яна улфатлари қаторига қўшилди. Айтилган вақт келганида эса у индамай ўрнидан турди-да, истироҳат боғи томон кета бошлади. Ҳамроҳлари унинг бу қилиғини тушунмай ортидан қараб қолишди.

Шуҳрат боғда А.Ваҳобовни кўриб, унга яқинлашди. "Пулни олиб келдингми", дегандек қараб, чўнтагини кавлади. А.Ваҳобов бош ирғагач, гугурт қутисини унга узатди. Ш.Соатов пулни чўнтагига солиб улгурмасидан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тергов жараёнида Шуҳрат Соатов жавобгарликдан қутилиш мақсадида мастлигида биров атайин гиёҳвандлик воситасини чўнтагига солиб қўйганлигини билдириб, турли баҳоналарни рўкач қилди. Бироқ гувоҳларнинг кўрсатмалари ва далиллар унинг айбини тўлалигича исботлади.

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судида мазкур иш атрофлича муҳокама қилиниб, Шуҳрат Соатовга узил-кесил ўташ учун 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

72-Канн Халқаро кинофестивалида «Uzbekistan» миллий павильони учун алоҳида жой ажратилади.

PROKURATURA BYUROSI

FAOLIYATIDAN

Тизимдаги қонунбузарликлар

Азиз ЭСИРГАПОВ,
МИБ Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Бюронинг вилоят бошқармаси томонидан электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга доир қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган таҳлилларда вилоят ҳудудий электр таъминоти корхонаси ва унинг тизимидаги корхоналар фаолиятида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 22-сонли қарорининг 33-бандида истеъмолчиларнинг янги ёки реконструкция қилинган электр қурилмаларига энергия истеъмолчида "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси томонидан электр қурилмаларини ишлатишга бериладиган рухсатнома мавжуд бўлганда, ҳисобга олишнинг қиёслов асбоблари ўрнатилганда, шунингдек, электр таъминоти шартномаси тузилганидан кейин етказиб берилиши қатъий белгилаб қўйилган. Бироқ, вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг тизимидаги корхоналар томонидан "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Сирдарё ҳудудий бўлимининг рухсатисиз тегишли меъёрий ҳужжатларга риоя қилинмасдан айрим юридик шахслар электр тармоқларига улаб берилган.

Жумладан, Янгиер шаҳридаги "Сирдарё икки қорамет" МЧЖга қарашли металл парчалари йиғиш цехи, "Eurasian Industrial Union" МЧЖга

> *Улгуржи истеъмолчиларнинг таклиф ва мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилмаган.*

қарашли қурилиш учун пластик буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси, "Улуғбек Янгиер қурилиш" МЧЖга қарашли "Янгиер деҳқон бозори", "Янгиер бунёдкор қурилиш" МЧЖга қарашли маиший хизмат ва ишлаб чиқариш бинои, "Иброҳимжон файз сервис" ХКга қарашли тўйхона, "Севинч савдо сервис" МЧЖга қарашли ошхоналарнинг рухсатномаси бўлмасада, электр энергиясидан фойдаланиб келган.

Сайхунобод туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Шерзод Қаршиевга қарашли нон ишлаб чиқариш цехи, "Сайхун Музаффар Фаррух", "Мавороуннахр замини", "Бекбола Худойқулович", "Асадбек Хамдамбек орзуси", "Қаюмов Адхамжон", "Самарқандлик порлоқ орзуси", "Усмон Юсупов илғори", "Шавкат ўғли Умид" ва "Самандар Равшанович" фермер хўжалигига қарашли сув насослари, "Сайхунобод томорқа сервис ўн агрофирма" МЧЖга қарашли балиқчилик хўжаликлари ҳам тегишли тартибда рухсатнома олмасдан электр энергиясидан фойдаланиб келишган.

Шунингдек, бу каби қонунбузарликларга Сирдарё, Боёвут, Мирзаобод туманларида, Гулистон шаҳрида ҳам йўл қўйилгани аниқланди.

Вилоят бўйича улгуржи истеъмолчиларнинг жами 6 740 796 киловатт-соат, 770,4 миллион сўмлик шартномада белгиланганидан ортиқ миқдорда электр энергияси истеъмол қилиш ҳақидаги таклиф ва мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилмаган.

Қайд этилган қонун бузилиши ҳолатларининг келиб чиқишига ходимларга вазифалар тақсимоти аниқ қилиб белгилаб берилмаганлиги, иш юритиш тизимли равишда ташкил этилмаганлиги, ҳудудий бўлимлар фаолияти ва ходимлар устидан идоравий назорат сусайтириб юборилганлиги, масъул ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришга масъулият билан ёндашмаганликлари сабаб бўлган.

Ўрганиш натижалари бўйича вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдимнома киритилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди.

Қўл билан бериб...

Бекзод ЯКУБОВ,
МИБ Қўшқўпир туман бўлими бошлиғи

Баъзилар одамларни алдаш, фирибгарлик, бировларнинг ҳаққига хиёнат қилиш йўли билан мол-мулк орттириш, данғиллама турар жойлар, автомашиналарга эга бўлишни "тадбиркорлик", деб атаб ўзларини алдамоқда.

Қўшқўпирлик Ш.Абдуллаев (исм-фамилияси ўзгартирилган) қисқа муддатда қайтараман деб, бир эмас, тўрт фуқародан жами 49 миллион 920 минг сўм қарз олди. Аммо қайтаришни хаёлига ҳам келтирмади. Қарз берувчиларни "қўли билан бериб, оёғи билан югуриш"га мажбур қилди.

Қарз берганлар анча сарсон бўлишгач, фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига мурожаат қилишди. Ш.Абдуллаев суднинг қарзни ўн беш кун ичида ихтиёрий тўлаш ҳақидаги талабига парво ҳам қилмади. Оқибатда суд ҳукми ижроси мажбурий таъминланди.

Абдуллаевга тегишли "SPARK" русумли автомашина хатланиб, электрон онлайн-аукцион орқали сотилди ва маблағ қарз берганлар ўртасида тақсимланди.

Огоҳлантириш кор қилмаса...

Турғунбой МАМАТОВ,
МИБ Андижон шаҳар бўлими давлат ижрочиси

Таассуфки, оиласи билан ажрашган, боз устига, фарзанди таъминоти учун алимент тўламаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. Шу боис мамлакатимизда айнан алимент тўламаганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Мазкур масалани кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида, МИБ Андижон вилоят бошқармаси маъмурий судлар билан ҳамкорликда жойларда тушунтириш-тарғибот ишлари, сайёр судлар ташкил этмоқда.

Бюронинг Андижон шаҳар бўлими томонидан ўтказилган йиғилишда мамлакатимизда алимент соҳасидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шундан сўнг Андижон шаҳар маъмурий суди узоқ муддатдан бери фарзанди таъминотидан бўйин товлаб келаётган фуқароларнинг ишини кўриб чиқди. Жумладан, фуқаро Ф.Маннанов бир неча бор Бюронинг шаҳар бўлими давлат ижрочиларининг огоҳлантиришига қарамасдан фарзанди учун алимент тўламай келган. Натижада қарздорлик 4 миллион сўмни ташкил этган. Ўтказилган сайёр суд давомида унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

Фуқаро Т.Ибрагимов ҳам фарзанди учун узоқ йиллардан буён алимент тўламай келган. Ой, йиллар ўтиб, қарздорлик 13 миллион сўмга етиб борган. Т.Ибрагимовга ҳам 15 суткалик маъмурий қамоқ жазоси берилди.

Суд мажлиси давомида 8 нафар қарздор алимент тўловларидан бўйин товлаганликлари учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-4-моддасига асосан айбли деб топилиб, уларга нисбатан 15 кунлик маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Мамлакатимизда электр энергияси ва табиий газ ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ ҳамда узлуксиз таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Лекин бу ресурслар туганмас, деган хаёлга бормаслигимиз, улардан оқилона фойдаланишимиз керак.

Энергия ресурслари туганмас эмас

Иномжон АШИРКУЛОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси бўлим бош инспектори

Тўлов маданиятига амал қилишни истамайдиган айрим фуқаролар томонидан электр, газ узатиш ва тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ресурсларни талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда.

Жумладан, Андижон туманида яшовчи фуқаро А.Мамажонов "Асилбек савдо султони" оилавий корхонасига қарашли иссиқхонада табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб, маҳсулот етиштириб келган. Унинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида "Андижонтумангаз" корхонаси манфаатларига 55 миллион 148 минг сўм миқдорида моддий зарар етказилган.

> *Фуқаро газ таъминоти корхонасига 33 млн. сўмдан зиёд миқдорда зарар етказди.*

Шунингдек, Пастдарғом тумани "Найман" маҳалласида яшовчи фуқаро Алибек Юнусов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам хонадонида электр энергияси ва табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, табиий газдан қонунга хилоф равишда фойдаланиб келган. Самарқанд вилояти газ таъминоти ҳудудий филиалига етказилган зарар ҳисоблаб кўрилганда 33 миллион 605 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, электр тармоқлари корхонасига 441 минг сўм миқдорида зарар етказилгани ҳам аён бўлди.

Бундай ҳолатларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ўйламай қилинган иш...

Жасур ЭРГАШЕВ,
МИБ Когон шаҳар бўлими бошлиғи

Тўлов интизомига риоя этилишига ўрганиш, кўникиш ҳам инсоннинг маънавияти, маданиятининг бир кўринишиаслида.

Дўконга харид учун кирсангиз, олган маҳсулотингиз учун албатта ҳисоб-китоб қиласиз. Аммо, кундалик эҳтиёжингиз учун фойдаланилган энергия ресурсларининг ҳаққини тўлашга келганда, негадир оғринасиз. Буниси ҳам етмагандек, электр ресурсларига қонунга хилоф тарзда уланиб олиб, ундан истаганча фойдаланаётганлар ҳам учраб турибди.

Алишер Алимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тадбиркорларга яратилаётган шароитлардан фойдаланиб, "Тонг юлдузи" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйди. Ҳалол фаолият юритса, топган даромади ҳам баракали бўлишини унутган А.Алиев газ ҳисоблаш ускунасига назорат тартибида қўйилган тамғани бузиб, оҳак ишлаб чиқариш цехидаги ишларини бамайлихотир давом эттираверди.

Бу билан у "Когонгаз таъминоти" корхонасига 21 миллион 688 минг сўмлик зарар етказди. У МИБ Когон шаҳар бўлими ходимларига рўбарў келганда хатосини тан олишдан бошқа чораси қолмади. Ҳуқуқбузарга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Қонун олдидаги жавобгарликни унутиш қандай оқибатларга олиб келганини тушунган бўлса, ажаб эмас.

Жорий йил 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида халқаро ҳунармандчилик фестивали бўлиб ўтади. Унда 50 дан ортиқ хорижий давлатдан маҳоратли ҳунармандлар иштирок этиши кутилмоқда.

СУДЛОВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ АҚШ тажрибаси

Жорий йилнинг 25 февраль — 23 март кунлари Бош прокуратура Академияси ходимларидан иборат бўлган Ўзбекистон делегацияси Халқаро ҳамкорлик соҳасида таълим ва тайёрлаш дастури (IJET) доирасида АҚШда хизмат сафарида бўлиб қайтди.

Музаффар ДЎСТҚОРИЕВ,
Бош прокуратура Академияси кафедра бошлиғи в.б.

IJET стипендия дастури Америка ҳуқуқшунослар ассоциацияси (ABA|ROLI) томонидан ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларга мўлжалланган махсус таълим курсларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Дастур АҚШ Давлат департаментининг жиноий судлов ва ҳамкорликка кўмаклашиш бошқармаси (INL|CAP) томонидан мувофиқлаштирилади.

Дастур иштирокчилари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида тайёрланган "Ислоҳотлар режаси" лойиҳаси давлатлараро мусобақада ғолиб деб топилди ва дастур иштирокчилари лойиҳани бевосита амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш шарафига муяссар бўлишди.

Дастур давомида лойиҳа иштирокчилари АҚШнинг турли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, судларда ҳамда давлат ва нодавлат идораларига ташриф буюриб, мамлакатда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

Иштирокчилар мамлакатда бу борада амалга оширилган чора-тадбирларни ўрганиш жараёнида бир қатор диққатга сазовор махсус тузилмалар фаолияти билан ҳам танишдилар. Шулардан бири — Нью-Йорк-нинг шарқий қисмида жойлашган Бруклинда жамоатчилик билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ред Хук" Одил судлов марказидир. Марказ Нью-Йорк штати суд тизимига қарашли расмий идора ҳисобланиб, унинг асосий мақсади — жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, маҳаллий аҳолининг муаммоларини биргаликда ҳал қилиш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали ҳудудда содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар сонини кескин камайтиришдир.

> *Қамоққа олинган шахслар сони 35 фоизга қисқарган.*

XX асрнинг 80-90-йилларида Ред Хук зўравонлик, гиёҳвандлик воситалари ноқонуний айланмаси ва ишсизликнинг юқори даражаси билан шуҳрат қозонган эди. Марказ ташкил топиши муносабати билан, жиноятчилик турлари кескин камайишига эришиш билан бирга, унинг юрисдикцияси 220 минг аҳолиси бўлган Бруклиннинг туташ ҳудудларини ҳам қамраб олди.

Марказда бир нечта суд жараёни хоналари бўлиб, у ерда якка судья фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича судларда кўрилиши лозим бўлган ишларни кўриб чиқади. Ҳар бир ишни кўришда Марказ асосий эътиборни фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш, аҳоли муаммоларини амалий ҳал қилишга асосланган ёндашувни қўллайди.

Одил судлов марказининг асосий хусусиятларидан яна бири шундаки, у жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва юзага келаётган эҳтиёжларни қаноатлантиришга қаратилган бир қатор ноанъанавий дастурлар амалга оширилади-ган майдон вазифасини ҳам ўтайди. Бундай дастурлар тарафлар учун низоларни ўзаро келишиб, суд аралашувисиз ҳал қилиш воситаси сифатида фойдали бўлиб, бутун жамоатчилик уларнинг самарали амалга оширилишидан манфаатдор. Марказда бир қатор ижтимоий хизматлар, ёшлар дастурлари ва жамоатчилик ташаббуслари бўйича тузилмалар фаолият кўрсатиб, улар қайд этилган дастурларнинг тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади.

Марказ Нью-Йорк штати судлари, Нью-Йорк, Бруклин округи прокуратуралари ва бир қатор идора ҳамда нодавлат нотижорат муассасаларини ўз ичига олувчи давлат-хусусий шерикчилик фаолияти натижаси ҳисобланади. Марказ ишига Суд инновациялари маркази, Суд администрацияси Нью-Йорк шаҳар офиси, шаҳар администрацияси, Жиноий судлов агентлиги, шаҳар таълим бошқармаси, Пробация хизмати, Кингз округи прокуратураси, Ҳуқуқий ёрдам жамияти, Бруклин адвокатлар ҳайъати ва Нью Йорк шаҳар полиция бошқармалари каби идоралар ҳамкор ташкилот сифатида жалб этилган.

Судлов маркази ўз фаолиятида суд ҳукмига муқобил бошқа чораларни кенг қўллаши натижасида жиноят содир этган шахсларнинг 78 фоизи жамоатчилик ишлари ва бошқа муқобил тадбирларга жалб этилган.

Бундан ташқари, Марказ фаолияти натижасида айб эълон қилиш жараёнида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахслар сони 35 фоизга қисқарган. Шунингдек, рецидив жиноятлар ҳам бирмунча камайган. Жумладан, одатдаги судларда кўрилган жиноят ишлари билан солиштирганда, Марказда кўрилган ишлар бўйича судланган катта ёшдагилар орасида такроран жиноят содир этиш ҳолатлари 10 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида эса, 20 фоизга камроқдир.

Судлов тизими самарадорлиги яна шунда кўринадики, одатдаги суд ишларидагига нисбатан ишларни кўриш учун бюджет харажатлари анча камайган, бу эса солиқ тўловчи ҳудуд аҳолиси эътирофига сазовор бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, турли давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари биргаликда фаолият кўрсатадиган ҳамда фуқаролар муаммоларини ҳамкорликдаги дастурлар орқали ҳал қилишга қаратилган тузилмаларнинг ташкил этилиши жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда яхши натижа берган бўлар эди.

Батафсил **huquq.uz** сайтида

JARAYON

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2019 йил 10 январь куни жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилган йиғилишда мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда криминоген вазиятнинг барқарорлашувига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Фаррух КАДИРОВ,
Бош прокуратура Академияси бўлим катта прокурори

Мазкур йиғилиш натижаси бўйича Бош прокуратура томонидан 2019 йилнинг 1-чорагида жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан тузилган "Йўл харитаси"да Бош прокуратура Академиясига ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш методологияси билан шуғулланишга йўналтириш, жиноятчиликни жиловлаш бўйича янги методика яратиш, мавжуд ижтимоий криминоген вазиятдан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликларнинг алоҳида турлари, шунингдек, ҳар бир ҳудуд бўйича илмий прогнозлар билан асосланган дастурли услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиб бориш ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича дастурлар тузиб, уларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди.

Юқорида қайд этилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура Академияси томонидан 2019 йилнинг 4 январ кунидан 16 март кунига қадар Наманган вилоятидаги 752 нафар ва Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 387 нафар ички ишлар органлари ходимларининг билими, касбий тайёргарлиги ва масъулиятини оширишга доир ўқув курслари ташкил этилди.

Ўқув курси дастурларига тезкор-қидирув фаолиятини олиб боришнинг самарали усуллари, терговга қадар текшириув, суриштирув ва тергов фаолиятини амалга оширишнинг айрим масалалари, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини ташкил этишнинг долзарб масалалари, Ички ишлар вазирлиги органларида ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари киритилиб, ўқув жараёнига ички ишлар органлари тизимида фаолият кўрсатиб келаётган тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тармоқлари ходимлари жалб этилди.

Ички ишлар органларининг касбий билими ва малакасини оширишга йўналтирилган ўқув курслари Бош прокуратура Академияси, Ички ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Академиясининг профессор ўқитувчилари ҳамда кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган ходимлар томонидан ўтказилиб, ушбу курсларда инновацион педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланилди.

Бундан ташқари, ўқув курслари жараёнида профессор ўқитувчилар ҳамда малакали ходимлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси, Жиноят процесуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Фуқаролик кодекси, ИИВнинг соҳавий буйруқлари, Бош прокурор ҳамда ИИВ томонидан тасдиқланган қўшма кўрсатмалар асосида ишларнинг ташкиллаштирилиши, ходимларнинг назарий, амалий билим ва кўникмалари, уларга юклатилган вазифалар ижросининг бажарилиши аҳволи ҳақида ўзаро фикр ва тажриба алмашишди.

Худди шунингдек, Академиянинг профессор ўқитувчилари ички ишлар органлари ходимларининг билим даражасини аниқлаш, ходимларда шахслараро муносабатлар ва одамларга таъсир кўрсатиш кўникмаларининг психологик масалалари бўйича психодиагностик тестлар ўтказишди ҳамда жиноятлар содир этилиши сабабларини таҳлил қилишнинг замонавий усуллари ҳақида тренинг машғулотлари ўтказилиб, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлиги масалаларини ҳал қилишда замонавий инновацион ёндашувларни ифодаловчи бир қатор фикрлар билдирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда алоҳида ўрин эгаллаган ички ишлар органлари ходимлари билан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд муаммолар бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубини жорий этиш, идоралараро дастурларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш, манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятларни инобатга олиш ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан жабрланган шахслар, уларнинг ҳулқ-атвори, мазкур қилмишни содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ижтимоий, психологик, педагогик ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур профилактик тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликни камайтириш ва унинг олдини олиш ҳамда криминоген вазият барқарорлашувига замин яратилади.

Ўзбекистон делегацияси 15-16 апрель кунлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган "Атомэкспо-2019" XI форумида иштирок этади.

Келгуси сонда

Долзарб мавзу

"Ўзавтосаноат" АЖ фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида автосалонларнинг ўзидан автомобилларни муддатли тўловга берадими?

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAYATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Baxtiyor NAZAROV
Kamoliddin ASQAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[1] — tijorat materiali.

Buyurtma v-3300.
19 610 nusxada bosildi.
Oog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

27 йил мобайнида прокуратура тизимида фаолият юритиб, ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этган инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Вера Короткова табаррук 75 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Тошкент шаҳар Яккасарой туман прокуратурасида иш ўрганувчи-терговчи, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, шаҳар прокуратурасида бўлим катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, адолатпарварлиги ва ташаббускорлиги туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Шогирдлари уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлашади.

Вера Короткованинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Вера Михайловна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик тилаймиз!

30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Файзулла Ботиров табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида Наманган вилояти Наманган туман прокуратурасида иш ўрганувчи, терговчи, Тошкент вилояти Чиноз туман прокурорининг ёрдамчиси, Сирдарё вилояти Сайхунобод туман прокуратурасида прокурор ёрдамчиси, терговчи, вилоят прокуратурасида бўлим катта терговчиси, Гулистон шаҳар прокуратурасида катта терговчи лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Ҳурматли Файзулла Ботиров, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган прокуратура ходимларидан бири Илҳом Эсонқулов 60 ёшни қарши олди.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси, шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Фарғона шаҳар прокуратураси катта терговчиси, Бағдод туман прокурорининг ёрдамчиси, Тошлоқ туман прокурори ёрдамчиси, Бешариқ туман прокуратураси терговчиси, Фурқат туман прокуратураси терговчиси, Данғара туман прокуратураси терговчиси ҳамда туман прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Ҳурматли Илҳом Эсонқулов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик тилаймиз!

Фарғона вилоят прокуратураси жамоаси

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган Бюро фахрийси Шакарбек Жўраев 60 ёшни қарши олмоқда.

У иш фаолияти давомида Адлия вазирлиги ҳузуридаги собиқ Суд Департаментининг Наманган вилоят ҳудудий бўлими етакчи инспектори, Наманган вилоят бошқармаси бўлим инспектори, Наманган шаҳар, Уйчи, Чортоқ туман бўлимларида суд ижрочиси, катта суд ижрочиси, Чортоқ туман бўлими бошлиғи, Янгиқўрғон туман бўлими катта суд ижрочиси вазифаларида самарали меҳнат қилди.

Сўнгра у Мажбурий ижро бюроси фаолиятини бошлаган даврдан бошлаб Бюронинг Наманган вилояти бошқармаси навбатчи қисм инспектори вазифасида фаолият кўрсатиб, юклатилган вазифага сидқидилдан ёндашиб келди.

Шакарбек Жўраев тажрибасидан келиб чиқиб, ўз билим ҳамда кўникмаларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

Меҳнат фаолияти жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳурматли Шакарбек Саримсоқович, Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз! Сизга узоқ умр, оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Бюронинг Наманган вилоят бошқармаси жамоалари

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Норбўта ҒОЗИЕВ,
"Huquq"

Юксак маънавиятга эришишнинг асосий воситаларидан бири инсоният бадиий тафаккурининг инъикоси бўлган бадиий адабиётдан бахраманд бўлиш эканлиги аллақачон ўз исботини топган ҳақиқат. Инглиз адиби, тарихчи ва файласуф Т.Карнейль таъкидлаганидек, "Китоб инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ белгисидир. Китобларда кечмиш замонларнинг ақл-идроки яшайди, ҳоки-тупроқлари туш сингари аллақачонлар тўзғиб кетган одамларнинг овози бурро ва аниқ янграб туради. Инсоният яратган, қайтақайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари — худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифасида сақланиб қолган".

Бадиий асарлар яшашга, курашга ва ғолиб бўлишга ўргатади. Компьютерлар қанчалик китоблар билан бойитилмасин, унда китоб ўқиб завқланиб, сеҳрланиб бўлмайди. Яқинда кенжа ўғлим хурсанд ҳолда: Интернетдан фалон китобни атиги 500 сўмга тушириб олдим", деди. Аммо йирик бир асарни компьютерда ўқий олмади. Чунки соатлаб унга термулиб ўтиришга сабри чидамади, кўзи толиқиб қолди. Компьютердан 4-5 варақни, у ёки бу асардан парчани, бирор илмий манбани олиш, ўқиш, таҳлил қилиш мумкин. Бироқ 400-500 бетлик бир асарни ўқиб, ўрганиб чиқишнинг имкони йўқ.

Буни дилдан чуқур ҳис этган Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 19 март куни ўтказилган йиғилишда ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида ёшлар ўртасида китобхонлик масаласига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, у ҳар бир раҳбар ўз шахсий кутубхонасидан ўзи таълим олган мактаб кутубхонасига китоблар совға қилса, бундай эзгу ташаббус китобхонликни ривожлантиришга хизмат қилиши, фарзандларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган китоб совға қилиш ташаббуси Мажбурий ижро бюросининг Қашқадарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Шу кунгача улар ўзлари ўқиган мактабларга 10 мингдан ортиқ бадиий адабиётлар тортиқ этдилар.

Ҳа, китоб энг яхши совға. У инсонга руҳий-эстетик куч берадиган восита, ҳар қандай билимнинг жони, ҳар қандай фаннинг ибтидоси ва камолотидир.

МАКТАБЛАР УЧУН МУҚОБИЛ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ

Севара ЖУМАЕВА,
Тошкент юридик коллежи кафедра мудири

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек, "Китоб — беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи".

Дарҳақиқат, бундай ҳикматлар негизидаги асл ҳақиқат шуки, инсоннинг билимли, тарбияли, касб-ҳунарли ва албатта бахтли ва давлатли бўлишининг муҳим омили — бу китобга дўст бўлиш, ҳамиша китоб ўқиш ва китоб мутолаасини умр бўйи канда қилмасликдир.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусидан келиб чиққан ҳолда барча даражадаги раҳбар ходимлар ўзлари таълим олган мактабига китоблар тақдим қилишаётганидан оммавий ахборот воситалари орқали бохабар бўлиб бормоқдамиз.

Албатта, бу жараён барчамизни мамнун қилмоқда. Чунки ёшларни ҳар томонлама фикрлайдиган, маънан етук, ҳар қандай ахборотни ақл билан таҳлил эта оладиган, баркамол инсон қилиб тарбиялаш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Шу ўринда кейинги пайтларда ОАВ орқали дарсликлар билан боғлиқ танқидий чиқишлар қилинаётгани барчани бирдек ҳушёр торттириши зарур. Негаки, агар дарсликлар талаб даражасида бўлмаса, бу баркамол авлод таълим-тарбиясига жиддий зиён етказади, уларни чалғитиб, алдаб қўйган бўламиз. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 апрелдаги "Умумтаълим мактаблари учун муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши айни зарурат эди.

Мазкур ҳужжатда умумтаълим мактаблари учун яратилаётган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг сифатини ошириш, ўқувчиларни дарсликлар билан тўлиқ таъминлаш, сифатли дарсликларни танлаш имкониятларини кенгайтириш, рақобатбардош, муқобил дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш тизимига босқичма-босқич ўтиш механизмини жорий этиш мақсади мужассам.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари учун яратиладиган муқобил дарсликларни таянч мактабларида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синовдан ўтказади.

Шу ўринда муқобил дарслик тушунчасига изоҳ бериб ўтсак. Муқобил дарсликлар — Халқ таълими вазирлиги томонидан битта ўқув фанидан ўқувчиларга тавсия этилган асосий дарсликлар билан бир қаторда алоҳида ёки қўшимча равишда фойдаланиш мумкин бўлган дарсликлар ҳисобланади.

Қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, муқобил дарсликлар таянч умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказиш билан бирга мазмунан, дизайн жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида вазирликнинг расмий веб-сайтида онлайн тарзда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Таклиф ва мулоҳазалар олинади.

Умумтаълим мактабларини муқобил дарсликлар билан таъминлаш ихтиёрий равишда ота-оналар, мактаб педагогик жамоалари ва хомийлик хайриялари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Миллий спортимиз Кураш Ислом бирдамлиги спорт ўйинлари дастурига киритилади.